Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети ● Нархи: 3 сўм.

1992 йил 24 сентябрь, пайшанба № 188 (21.286).

● ХДП: ҳаёт билан ҳамнафас

ҲАР БИР ИМКОНИЯТДАН ФОЙДАЛАНИШЯПТИ

● Жойларда ХДП аъзоларига партия билетларни топшириш давом этяпти.

Яқинда Поп районидаги пахта тозалаш заводида бўлган йиғилишда ХДП район кенгаши иккинчи котиби Ш. Абророва тантанали тарзда партия аъзоларига партияга мансублик ҳақидаги ҳужжатларни топширди. Илғор ишчи ва мутахассислардан З. Мингазов, И. Нишонов, Х. Тожибоев, А. Латипов, М. Раҳмонов ва бошқалар шу куни янги партия ҳужжатларини қабул қилиб олдилар.

Биз бу тадбирни мумкин қадар кишилар эсида бир умр сақланиб қоладиган тарзда, одамларнинг партия ишига бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган қилиб ўтказишга эришяпмиз, — дейди ХДП район кенгашининг биринчи котиби И. Алимов.

Райондаги нотўқима матолар фабрикаси бошланғич партия ташкилотида ҳам партия аъзоларига билетлар топширилди.

О. НОМОЗОВ.

«УМИД» МУШТАРИЙЛАР ҚЎЛИДА

● Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши ҳамда шаҳар кенгаши нашри — «Умид» ойлик газетасининг илк сони ўқувчилар қўлига тегди.

Газетанинг биринчи сони шаҳар ҳокими Б. Ҳамдамовнинг табрик хати билан очилади. Ушбу сонда газета мухбирининг ХДП шаҳар кенгаши биринчи котиби Ў. Нарзиев билан қилган «Йўлбошчилар» ҳаракатидан узоқлашмаймиз» сарлавҳали суҳбати, газетхон Е. Бекнинг «Газетасиз партия партия эмас» сарлавҳали мақоласи, «Мен ҳаётда ҳақманми?», «Бир пиёла чой беринг» каби турли мавзулардаги мақолалар босилган.

Вилоят ҳамда шаҳар кенгаши муассислик қилаётган бу янги газета муштарийлар қалбига йўл топади, деган умиддамиз.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЖОДКОРЛАР ВИЛОЯТ КЕНГАШИДА ТЎПЛАНИШДИ

● ХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби А. Азимов бу ерда бўлиб ўтган суҳбатни бошлаб берар экан, сиёсий ва иқтисодий танглик жараёнида ижодкорларнинг бевосита халқ орасидаги фаолияти, ўрни ва аҳамияти ҳақида гапирди.

У Ўзбекистон Президентининг ижодкор ёшларни, умуман ижод аҳлини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги фармонлари асосида ХДП вилоят кенгаши амалга ошираётган тадбирлар тўғрисида алоҳида тўхталди.

Жиззах муаллимлар тайёрлаш олийгоҳи ректори профессор Б. Ўринбоев, республика Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг масъул котиби А. Каримов, шоир И. Дониш, ёш ижодкорлардан А. Аҳмедов, А. Сатторов кабилар вилоятдаги ижодий муҳит, ижодкорларнинг ҳозирги жараёндаги вазифалари ҳақида фикр алмашдилар. Вилоят кенгашининг котиби Т. Аглямова тўпланганларни энг долзарб мавсум — пахта йиғим-терими пайтида партия фаолларининг ижодкорлар билан ҳамкорликда уюштирадиган тадбирлари режаси билан таништирди.

Ижодкор ёшлар билан бўлган учрашувда вилоят ҳокими Э. Турсунов сўзга чиқди ва учрашув қатнашчиларининг саволларига жавоб берди.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЧУСОК» БАЙРАМИ

Ўзбекистон пойтахтида корейсларнинг «Чусок» деб аталган қадимий миллий байрами бўлиб ўтди. Одатдагидек бу байрам шоли ўримини бошланишига бағишланди. Тошкентдаги Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғида кун бўйи мусиқа янграб турди. Байрам хушчақчақлик билан ўтди. Зеро, халқ ривоятига кўра шу кун қандай кутиб олинса, ҳосилнинг чўғи ҳам шунга яраша бўлади. Томошабоғнинг катта саҳнасида халқ қўшиқ ва рақс дасталари ўз санъатларини намойиш қилишди. Улар томошабинларни бошланган куз табриги удумлари билан таништирдилар. Ўзбекистон давлат филармониясининг артистлари ҳам байрамга тайёрланиб келган эдилар. Уларнинг ижросида корейсларнинг қадимий ва замонавий қўшиқлари янгради. Энг яхши пазандалар пиширган корейсча таомлар сотилди, Фахрийлар ва болаларга таомлар бепул берилди.

Байрамни республика «Боммин рен» жамияти уюштирди. Корейс миллий анъаналарини тиклаш мақсадини кўзловчи бу жамият Кореяни бирлаштиришга кўмаклашувчи халқаро уюшманинг бир бўлимидир.

(ЎзА мухбири).

Зулфия Фатхулина Самарқандаги «Хотин-қизлар меҳнати» фабрикасида попончи бўлиб ишлайди. У смена нормаларини ошириб бажаришга одатланган. Зулфия сингари илғорларнинг самарали меҳнати туфайли фабрикада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб бормоқда.

Суратда: илғор попончи З. Фатхулина

Суратқаш Ғ. АЛИЕВ.

«ОҚ ОЛТИН» КАРВОН-КАРВОН

Бухоро. («Ўзбекистон овози» мухбири Н. НАИМОВ хабар қилади). Эрта тонгдан оппоқ пахта юкланган, устида республика байроғи ҳилпираб турган «оқ олтин» карвонлари Бухоро пахта тозалаш заводи сари ошиққанда ҳамманинг кўзида қувонч порлади.

— Давлат Нуров, Рўзиқул Бобоев, Салар Асоев, Исмоил Йўлдошев бошлиқ бригадаларда етиштирилган ҳосилни топширяпмиз, — деди биз билан суҳбатда шундай карвонлардан бирини бошлаб келган Бухоро район «Янги турмуш» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Ж. Сариев. — Уларнинг ҳар бири бу йил камида 36—38 центнердан ҳосил етиштириш ниятида.

Районнинг У. Юсупов, Ф. Аллаев номли, «Дўстлик» ва яна бир қатор хўжаликлари ҳам «оқ олтин» карвонларини қабул пунктига олиб келишди. Бу ерда йиғим-терим мавсумининг оммавий бошланишига бағишланган кўп кишилик митинг ҳам бўлиб ўтди...

Шундай «оқ олтин» карвонлари вилоятнинг бошқа пахта тозалаш заводлари, қабул пунктларига ҳам келди. Ҳа, Бухоро воҳасида йиғим-терим кун сайин қизиб боряпти. Карвонлар кетидан карвонлар пешма-пеш келиб турибди. Ҳадемай, машиналар ишга туширилгач, терим суръати кенг қанот ёйиши турган гап. Вилоятда машина теримига ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилмоқда.

ҚИРМИЗИ ДОН

● Хоразм вилоятининг қирмизи дон ижодкорлари мавсум ҳосилини ўриб-йиғиб олиш ва давлатга топшириш бошладилар.

Улар бу йил 14 минг тонна ўрнига 18 минг тонналик хирмон уйишга қарор қилишган. Хонқа районидаги Ал-Хоразмий номли давлат хўжалиги ва Қўшкўпир районидаги «Қўшкўпир» давлат хўжалиги шоликорлари вилоятда биринчилардан бўлиб бу ишга киришдилар. Бу қувончли тадбир муносабати билан бўлиб ўтган тантаналарда Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов иштирок этиб, илғор шоликорларни дастлабки шоли карвонлари билан қизғин табриклади.

Вилоятнинг Гурлан, Янгиариқ, Шовот, Боғот, Янгибозор районлари ҳамда Дружба шаҳри шоликорлари ҳам мавсумда катта хирмонни кўзлашяпти. Механизатор ва ўримчиларга дастлабки кунларданоқ қулай шарт-шароит яратиб берилмоқда. Уларнинг меҳнатига ўтган йилларга нисбатан икки-уч ҳисса кўп ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш назарда тутилган. Президентимизнинг шоли харид нархини ошириш ҳақидаги Фармони бу борада ғоят муҳим аҳамият касб этади. Умуман, Хоразм шоликорлари мавсумда 100 минг тоннадан кўпроқ қирмизи дон тайёрлаш, унинг 77 минг тоннасини эса мустақил жумҳуриятимиз хазинасига тўкишга аҳду паймон қилишган.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

МЕҲНАТ БАҲСИДА— 16 МИНГ КИШИ

● ИПАКЧИЛИК илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг 16 минг кишилик улкан жамоаси Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб «11 зарбдор ўн кунлик мусобақаси» ташкил этди.

Мусобақада бирлашмадаги мавжуд 6 фабрика ва корхоналар фаол иштирок этмоқда. Меҳнат баҳси биринчи пиллакашлик корхонаси гуруҳлари ва сменаларида ҳам авж олиб кетди. Дастлабки ўн кунликда биринчи сменанинг Ҳакимжон Раҳмонов етакчилик қилаётган 2-гуруҳ пиллакашлари биринчи ўринни қўлга киритишди. Жамоада 800 килограмм ўрнига 885,8 кг хом ипак ишлаб чиқаришди, 80,6 кг, сараланган пилла иқтисод қилинди. Калавалардан хом ипак тушириб олиш режасини 108,2 фоизга, биринчи навга ипак топшириш режасини 50 фоизга бажарган ҳамда 92 кг. хом ашёни иқтисод қилишга эришган иккинчи сменанинг 2-гуруҳ пиллакашлари ҳам муваффақият қозонишди. Улар иккинчи бўлишди. Ғолибларга 500, иккинчи ўринни олганларнинг ҳар бирига 300 сўмдан мукофот ажратилди.

Яқинда яна хушхабар тарқалди. Маълум бўлишича иккинчи ўн кунликда ҳам ғолиблар бўш келмай, биринчиликни сақлаб қолишибди. Иккинчи ўрин эса Қундузхон Шокирова бошқараётган гуруҳ жамоасига насиб этган.

Абдулҳай ҚУТБИДДИНОВ.

ҲАР ГАЛДАГИДАЙ КАМАРБАСТА

● Об-ҳавонинг ноқулай келиши туфайли Фарғона вилоятида ғўза ривожи ўтган йилларга нисбатан паст бўлди. Шуни ҳисобга олиб йил бўйи қилинган меҳнат ўз самарасини берди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, вилоят пахта далаларида мўл ҳосил етиштирилди. Эндиги вазифа ана шу ҳосилни исроф қилмай йиғиштириб олишдан иборат.

Илгарилари пахта терими бошланғич партия ташкилотларининг фаол иштирокида ўтар эди. Энди-чи? Ҳозирги кўп партиялилик шароитида республика иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган бу ишни рисоладагидай олиб боришда Ўзбекистон ХДП бошланғич ташкилотлари қай тарзда қатнашадилар?

— Биз ҳамиша деҳқон билан бирга бўлганмиз. Шу боис ХДП бошланғич ташкилотлари пахта йиғим-теримида ҳам фаол иштирок этадилар, — дейди Олтиариқ район партия кенгашининг биринчи котиби Т. Раҳимов. — Айни кунларда районимиздаги «Олатоғ» давлат хўжалиги ва бошқа бир қатор хўжаликларда терим қизғин боряпти. Бу жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари пахта йиғим-теримини сифатли ўтказиш учун зарур тадбирларни ишлаб чиққанлар. Бу йилги мураккаб шароитларда далаларда астойдил меҳнат қилганлар орасида ХДП аъзолари ҳам кўп эди. ХДП район кенгаши пахта теримини қисқа вақт ичида сифатли ўтказиш юзасидан ўз тадбирларини ишлаб чиқди. Унда пахтакорларга маданий-оқартув, савдо, медицина хизматини яхшилашга ёрдамлашиш, пахтакорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, хўжаликларда партия аъзолари ҳашарини уюштириш каби бир қатор муҳим вазифалар белгиланган.

Шу кунларда вилоятнинг барча пахтакор хўжаликларида йиғим-терим тез суръатлар билан боряпти. Бу муҳим ишда бошланғич партия ташкилотлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

АХБОРОТИ

1992 ЙИЛ 23 СЕНТЯБРДА ЎРТОҚ Қ. А. АҲМЕДОВ РАИСЛИГИДА МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

301-Қорадарё округ комиссиясининг «Ўзбекистон Республикасида халқ депутатини чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Қонун, округдаги бир қанча меҳнат жамоаларининг таклифлари ва бошқа материаллар асосида Ш. Мирсаидовни Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлигидан чақириб олиш бўйича ўтказилган овоз бериш натижалари тўғрисидаги мажлиси баённини кўриб чиқиб, Марказий сайлов комиссияси шуни қайд этадики, халқ депутатлигидан чақириб олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳамма тадбирлар қонун талабларига мувофиқ ҳолда амалга оширилган.

Халқ депутатини чақириб олиш юзасидан овоз беришда сайловчилар умумий сонининг 94,3 фоизи қатнашди, овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг 96,8 фоизи депутатликдан чақириб олишни ёқлаб овоз бердилар.

Марказий сайлов комиссияси овоз бериш натижаларини қайд этди ва юқорида кўрсатилган қонуннинг 9-моддасига асосан 1992 йил 23 сентябрдан эътиборан Ш. Мирсандовни халқ депутатлиги ваколати муддатидан илгари тўхтатилган деб топди.

Мажлисда ўрни бўшаб қолган депутат ўрнига 330-Хатирчи сайлов округида ўтказилган сайлов натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси Навоий шаҳрида яшовчи 1992 йил 20 сентябрь куни Навоий вилояти 330-Хатирчи сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлигига сайланган Навоий вилоятининг ҳокими Айдарқулов Абдуҳолиқ Абдураҳмоновични рўйхатга олди.

САЙЛОВЧИЛАР ДЕПУТАТДАН НЕГА ЮЗ ЎГИРИШДИ?

ЎТГАН ЯКШАНБА КУНИ 301-ҚОРАДАРЕ САЙЛОВ ОКРУГИ САЙЛОВЧИЛАРИ ЎЗ ДЕПУТАТЛАРИНИ ЧАҚИРИБ ОЛИШ УЧУН ОВОЗ БЕРДИЛАР

Тан олиш керакки, бундай воқеа камдан кам бўлади. Тўғри, район, қишлоқ ва қўрғон Кенгашларида депутатларни чақириб олиш онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Бироқ халқ депутати...

Хўш, каттақўрғонликларни бу нарсага нима мажбур этди? Нима учун улар ўз депутатларидан юз ўгирдилар? Тағин ким денг: Шукрулло Мирсандов! Бундан атиги бир йилча аввал сўзамоллиги, чаққон ҳаракатлари, Президент ишончини қозонганлиги билан жумҳуриятда машҳур бўлган одам. Наҳотки, парвоз ва инқироз, ишонч ва ишончсизлик бир-бирига шунчалик яқин бўлса?!

Авваламбор, масаланинг расмий томони ҳақида икки оғиз. 301-Қорадарё округи ҳудудида жойлашган «Мойбулоқ» давлат хўжалиги, «Ғалаба», Ҳ. Комилов номли жамоа хўжаликлари ҳамда 108-қурилиш ташкилоти жамоалари ўз йиғилишларида Ўзбекистон халқ депутати Ш. Р. Мирсандов сайловчилар билан алоқани узганлиги, берилган наказларни бажариш ҳақида қайғурмаганлиги сабабли депутатликдан чақириб олиш таклифи билан Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатига мурожаат қилган эдилар.

Олий Кенгаш Раёсати эса таклифларни атрофлича ўрганиб чиқиб, округдаги меҳнат жамоалари ва турар-жойларда йиғилишлар ўтказишни маъқул кўрди. Бу ишни уюштириш район ҳокими М. Нуриддиновга топширилди.

Бўлиб ўтган йиғилишларда меҳнаткашлар юқорида номлари айтиб ўтилган меҳнат жамоаларининг фикрини тўла қўллаб-қувватладилар. Олий Кенгаш Раёсати шу йил 6 август куни сайловчиларнинг халқ депутати Ш. Мирсандовни депутатликдан чақириб олиш тўғрисидаги таклифни муҳокама қилиб, 10 фоиздан зиёд сайловчиларнинг талабини асосли деб топди ва қонунда белгиланган тадбирларни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Округ сайловчиларининг 12 августда бўлган йиғилиши қатнашчилари жумҳурият Марказий сайлов комиссиясидан Ш. Мирсандовни депутатликдан чақириб олиш юзасидан овоз бериш кунини тайинлашни сўрадилар.

Менимча, халқ фикрини айнан уларнинг ўзидек қилиб ифодалашнинг иложи йўқ. Келинг, шундай экан, уларга сўз берайлик.

Эргаш ЮСУПОВ, «Пахтакор» жамоа хўжалиги участка бошлиғи: — Шукрулло Раҳматовични жуда катта умидлар билан депутат этиб сайлаган эдик. Сайловолди учрашувида у киши бизга кўп ваъдалар берди. Қишлоқларни газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан наказларни бажаришни ўз зиммасига олди. Бироқ ўтган даврда қишлоқларни табиий газ билан таъминлаш у ёқда турсин, баллонли, яъни суюлтирилган газ таъминоти ҳам камайиб қолди.

Шу йилнинг баҳорида табиий офат туфайли хўжалигимизнинг Жарбоши қишлоғи катта зарар кўрди. Аммо депутатимиз ана шундай қийин пайтда бир оғиз аҳволимизни сўрамадилар. Нима учун биз энди депутатимизнинг кайфиятига қараб иш тутишимиз керак экан?!

Улжа ЙЎЛДОШЕВ, «Мойбулоқ» давлат хўжалигида яшовчи нафақахўр, 30 йилдан ортиқ қишлоқ Кенгашига раислик қилган: — Бир неча бор таклиф этилишига қарамасдан ўртоқ Мирсаидов хўжалигимизга учрашувга келишни ўзига эп кўрмади. Сайловолди учрашувидаги ваъдалари қоғозда қолиб кетди. «Мойбулоқ»даги табиий офат барчани ташвишга солди. Жумҳуриятнинг турли бурчакларидан ёрдамлар келди. Ҳатто, чет эллардан кўмак олдик. Бироқ ўз депутатимиз Мирсаидов аҳволимизни сўрамади. Ҳатто, бир энлик телеграмма юбормади. Эл бошига иш тушса эр кишининг кимлиги билинади, деганлари шуда.

Шарофат ВАФОЕВА, «Ғалаба» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, район Кенгаши депутати: — Шукрулло Раҳматович хўжалигимиз қишлоқларини газлаштиришга ваъда бергандилар. Иш бошланди-ю, ташлаб қўйилди. Мен қўшни А. Назаров номли жамоа хўжалиги раиси Аҳмад Қарқиев билан биргаликда икки марта бу масала юзасидан Мирсаидов ҳузурига бордим. Бироқ 3—4 кун овора бўлиб у кишини топа олмадик. Умуман, оғиримизни енгил қилмайдиган депутатнинг бизга нима кераги бор?!

Ризоқул ЖУМАЕВ, 63-ўрта мактаб хизматчиси: — Шукрулло ака биздан ҳафа бўлиши табиий. Лекин у кишининг ҳаракатларини маъқуллай олмаймиз. Мирсаидов жумҳурият раҳбари эди. Қаёққа кетди, нимага кетди? Бу саволларга биз мишмишлар орқали жавоб олаяпмиз. Наҳотки, биз билан келиб дардлашишга вақт топа олмасалар, Олий Кенгашга у одамни биз вакил қилиб сайлаганмизми, аввал биз билан маслаҳатлашиши зарур эди.

Қосим ШОКИРОВ, «Пахтакор» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи: — Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширадиган нарса табиий газ, ичимлик сув, йўлларни асфальтлаш каби ишлардир. Шу боисдан биз Мирсаидовга ана шу юзасидан кўпроқ наказлар бергандик. Тўғри, у киши дастлаб ишга киришдилар. Аммо кўп ўтмай наказлар ижросини унутиб қўйдилар. Мисол учун, Ёдгорхўжа қишлоғи аҳолиси ҳам бу масалада сарсон бўлиб юрибди. Ҳазрат Навоий айтганидек,

Одами эрсанг,
демагил одами,
Ониким, йўқ халқ
ғамидин ғами.

Қамариддин ШАМИЕВ, 65-ўрта мактаб директори: — Ўртоқ Мирсаидов биз андоқликларга даштга сув чиқариб бериш ва мактабимиз учун янги бино қурилишини бошлаш тўғрисида ваъда бергандилар. Иккови ҳам қоғозда қолиб кетди. Айниқса, мактабимиз ҳозир ёмон аҳволда. Бизга халқ ташвиши билан яшайдиган фидойи депутат керак.

Шу ўринда бир мулоҳаза бор. Бизда депутатнинг ҳуқуқи ҳақида кўп гапирилади-ю, унинг бурчига келганда дашномдан нарига ўтмаймиз. Ваҳолонки, ўз бурчини бажармаган ёки бу борада сусткашлик қилаётган депутат сайловчилари олдида жиддий жавоб бериши керак. Масалан, бугун ўз депутатимизни чақириб олиш учун овоз бердик. Бошқа депутатлар ҳам бундан хулоса чиқаришлари керак. Чунки сайловчиларга фақат сайлаш эмас, чақириб олиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Асроркул ТИЛАВОВ, 6-мактаб илмий бўлими мудири: — Сайловолди учрашувида Мирсаидовга 6-мактаб учун янги бино қуриш наказ қилиб берилган эди. 1991 йил октябрь ойида 192 минг сўмлик маблағ билан боғланган мактаб қурилиши чала қолиб кетди. Бино қурилишини битказиш масаласида икки марта Тошкентга бордик. Бироқ Мирсаидов бизни қабул қилмади.

Юқорида айтилган фикрларга қўшимча сифатида шуни айтмоқчиманки, депутатни чақириб олишга овоз бериш куни камина сайлов округининг кўпгина участкаларида бўлдим, аҳоли билан суҳбатлашдим. Уларнинг аксарияти, юқоридаги мулоҳазаларни такрорлашди. Дарҳақиқат, ўз сайловчиларини унутиб қўйиш, улар билан алоқани узиш депутат учун кечирилмас ҳолдир. Шу нуқтан назардан қарайдиган бўлсак, Қорадарё сайлов округи сайловчилари тўғри иш тутдилар. Фақат бу тадбир бошқа депутатлар учун ҳам мактаб, сабоқ бўлсин, деймиз.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Каттақўрғон районидан.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИГА 1993 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

СИМ ОРҚАЛИ ЙИҒИЛИШ

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши билан республика Вазирлар Кенгаши шаҳар ва районларда, давлат ва жамоа хўжаликларида рўзнома ва ойномаларга обуна қабул қилиш масаласига бағишлаб сим орқали йиғилиш ўтказди. Унда почта алоқаси ишлаб чиқариш давлат корхонаси бошлиғи К. Ибрагимов республикада газета ва журналларга обуна ишларининг бориши ҳақида ахборот берди.

Сирасини айтганда обуна тўплаш ҳамма жойда яхши ташкил қилинган деб бўлмайди. Кўпгина саноат, транспорт, қурилиш корхоналарида, давлат ва жамоа хўжаликларида рўзнома ва ойномаларга обуна қабул қилишга ҳали киришилмаган. Обунани уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида республика штаби тузилди. Ҳар ўн кунда бу ишга якун ясаб борилади. Келгуси ўн кунлик вазифалари белгиланади.

Ҳозир шоликор хўжаликларда шоли ўрими, давлат ва жамоа хўжаликларида пахта терими бошлаб юборилди. Бу эса газета ва журналлар обунасини ташкил этиш ишларини далага кўчиришни тақозо этади. Обуна шундай уюштирилгандагина ҳар бир хонадон ўзи ёқтирган матбуот турини олиш имконятига эга бўлади.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» МУШТАРИЙЛАРИГА!

Қадрдон газетангиз — «Ўзбекистон овози» учун 1993 йилга обуна давом этмоқда. Сиз Янги йилнинг 1 январидан бошлаб газетани мунтазам ўқишни истасангиз, алоқа бўлимларига, обуна қабул қилиш пунктларига ташриф буюриб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиринг.

Азиз газетхонлар! «Ўзбекистон овози» дўконларга чекланган миқдорда чиқади, уни сотиб олиш қийин. Шу боис газетага обуна бўлиш мақсадга мувофиқдир. Эслатиб ўтамиз: газета обуначига сотувдагига қараганда анча арзонга тушади.

Обуна баҳоси:
● БИР ЙИЛГА — 384 СУМ.
● ЯРИМ ЙИЛГА — 192 СУМ.
● УЧ ОЙГА — 96 СУМ.

Шарофнома

РАБОТ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Мен Шароф Рашидовни қирқ йил давомида яқиндан билиб, у билан кўп мулоқотда бўлганман. Уни инсон сифатида ҳам, раҳбар сифатида ҳам яхши биламан. 1932 йилда Жиззах район комсомол қўмитасида болалар коммунистик ҳаракати уюшмасининг раҳбари бўлиб ишлаганимда, Ш. Рашидов Наримонов номли мактабда пионер вожатий вазифасини бажариб, ўқувчиларни пионер ишларига жалб қилиш, мактабда ўқув-тарбия ишларини яхшилашда фаол қатнашарди.

1938—1940 йилларда Самарқанд вилоят комсомол қўмитасида хизмат қилган давримда Ш. Рашидов Ўзбекистон Давлат дорилфунунида таҳсил олар, жўшқин ғайрат билан комсомол ишларида иштирок этарди. Дорилфунунни тугатгандан сўнг «Ленин йўли» вилоят газетасида муҳаррир ўринбосари бўлиб иш бошлади. Улуғ Ватан уруши бошлангач, биринчилар сафида Ватан ҳимоясига отланди. 1942 йилда урушда жароҳатланиб, ногирон бўлиб қайтгач, мактабда ўқитувчи—илмий мудир бўлиб ишга келди. Ш. Рашидов Фарҳод канали қурилишида фаол қатнашиб, аввал Жиззах райони бўйича, кейинчалик Самарқанд вилоят штабида оммавий оқартув ишлари бўйича штаб бошлиғининг муовини сифатида йирик ташкилотчи эканини намоён этди.

1943 йил эди. Шароф Рашидовни мен Ғаллаорол район газетасига муҳаррирлик вазифасига тавсия қилиб, бу ҳақда Самарқанд вилоят партия қўмитасига мурожаат этдим. Ўшанда вилоят партия қўмитаси Рашидов билан суҳбатлашгач, унинг қобилияти, билими ва тажрибасини ҳисобга олиб, «Ленин йўли» вилоят газетасига муҳаррир қилиб тайинлади. Ўша йилнинг ўзида у вилоят партия қўмитасининг котиби лавозимига ишга ўтди.

Кўп ўтмай, Шароф Рашидовнинг «Ленин йўли» газетаси вилоят партия қўмитасидаги фаолиятини ҳисобга олиб Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси 1947 йилда «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир қилиб тайинлади. Шундан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди. Сўнгра Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши ҳайъати Раиси қилиб сайланди.

Олий Кенгаш ҳайъати раислигида Ш. Рашидов қарийб тўққиз йил самарали ишлаб, жумҳурият иқтисодиётини, маданиятини ривожлантиришга, ижтимоий масалаларни ҳал этишга, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Халқаро анжуманларда тинчлик сиёсатини, дўстлик ғояларини изчиллик билан тарғиб қилди. Шу даврда Рашидов жумҳурият, ҳатто собиқ Иттифоқ миқёсидагина эмас, балки халқаро доирада ҳам етук давлат, партия арбоби сифатида танила бошлади. Шунинг учун ҳам 1959 йилда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби қилиб сайланди.

Бу масъулиятли вазифани қалб амри билан бажариб, Шароф Рашидов 25 йил жумҳурият партия ташкилотига раҳбарлик қилди. Бу даврда жумҳурият қиёфаси тубдан ўзгарганлигига ҳаммамиз гувоҳмиз.

Мирзачўл, Фарғона, Қарши чўлларининг ўзлаштирилиши халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаш, тез ўсиб бораётган аҳолини иш ва уй-жой билан таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлгани яхши маълум. Зилзила оқибатида ғайрон бўлган Тошкент шаҳри жуда тез фурсатда тикланиб, мамлакатимизнинг энг йирик маданий марказлари даражасида қайтадан қурилди. Зарафшон, Навоий сингари донгдор шаҳарлар бунёд қилинди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш кўпайди. Адабиёт ва санъат соҳасидаги ютуқлардан ҳеч ким кўз юма олмайди. Халқимизнинг турмуш даражаси анча яхшиланди. Шароф Рашидовнинг ўзбек халқи олдидаги эсда қоларли хизматларидан яна бири — дунёда илм-маърифатни ривожлантиришга хизмати сингган алломаларимиз — Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Беруний, Улуғбек, Фаробий, Алишер Навоий ҳамда буюк давлат арболари ва лашкарбошилар Амир Темур, Бобурнинг муборак номлари тикланди. Ўзбек халқи жаҳонда энг тинчликсевар, меҳнаткаш, меҳмондўст, меҳр-оқибатли миллат эканлигини дунё халқларига танитди ва ҳормай уни тарғиб қилди.

Кўплаб дунёвий анжуманлар Рашидов ташаббуси ва етакчилигида қуёшли ўлкамизда ўтказиларди ва бу анъанага айланганди. Ҳатто, давлатлар ўртасидаги урушларни тўхтатишга оид сулҳ тузиш маросимлари Тошкентда ўтказиларди — Тошкент Шарқ дарвозаси, тинчлик, дўстлик, нон шаҳри, деб ўша йиллари бежиз ном олмаган эди.

Шароф Рашидов ниҳоятда камтарин, инсонпарвар раҳбар эди. У ҳамиша халқ ичида бўлар, одамлар билан омонлашиб, қадрдонларча сўрашар, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш йўлида ўзининг бор қувватини, имкониятини ишга соларди. Шундан халқ уни севар, ардоқлар эди. У ўз халқининг ардоқли фарзандига айланганди.

Эсимда, 1974 йилда Рашидов Жиззах районининг Работ қишлоғига келиб халқ билан учрашганида одамлар Увоб ва Кўрпасой қишлоқларини электрлаштиришни, мактаб қуриб беришни, шифохонадаги аҳволни яхшилашда ёрдам беришни сўрадилар. Кўп ўтмай, унинг аралашуви билан қишлоғимизда 640 ўринли мактаб, 90 ўринли болалар боғчаси, 25 ўринли шифохона, замонавий савдо тармоғи ишга туширилди. Энг қувончлиси Увоб ва Кўрпасой аҳолиси электр нуридан баҳраманд бўлди. Орадан икки йил ўтгач, 1976 йилда Ш. Рашидов Работга такроран келганда қарийб 300 киши билан дилдан суҳбатлашди. Уларнинг жуда кўп таклиф ва илтимосларини эътибор билан тинглади. Шундан кейин унинг жонбозлиги туфайли 12 та артезиан қудуқ қазилиб, одамлар тоза ичимлик суви билан таъминланишди. Ташландиқ бўлиб қолган 7 гектарлик майдонда улкан боғ яратилди. Қарияларга ғамхўрлик сифатида муҳташам чойхона барпо этилди. Ш. Рашидов ўша учрашувда Кўрпа ва Увоб сойлари ва бошқа ирмоқлардан оқиб келаётган булоқ сувларини ва сел сувларини тўплаш, улардан фойдаланиш учун Работда сув омбори қуриш, Работ ҳудудини оромгоҳга айлантириш юзасидан раҳбар ходимларга топшириқ берганди. Халқ билан мулоқот давомида совхоз ишлаб чиқаришини ривожлантириш, айниқса, йилқичиликка эътиборни кучайтириш, қишлоқнинг табиий бойликларини (Работда катта мармар запаси бор) фойдаланиш, адирларга тоқ, мевали дарахт ниҳоллари ўтказиш, Кўрпа ва Увоб сойлари атрофини Жиззах вилоятининг курорт зонасига айлантириш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари бўйича жумҳурият ҳукуматига таклиф киритишни тайинлаган эди.

Жумҳурият етмиш йилдан зиёд ўтган давр ичида кўплаб раҳбарларни кўрди. Усмон Юсупов, Йўлдош Охунбобоев, Нуриддин Муҳиддинов, Шароф Рашидов сингари жонкуяр кишилар халқнинг ҳурматига, муҳаббатига сазовор бўлишди. Ана шуларга қарамасдан И. Усмонхўжаев, Р. Нишонов ва бошқа бир гуруҳ аламзада манфаатпараст шахслар Шароф Рашидов номини қоралашга, унинг бошчилигида халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли эришилган ютуқларни йўққа чиқаришга интилди.

Шароф Рашидовни турғунлик даври раҳбари деб айблашди. Аввало, турғунлик даври нима ва у қачон бошланди? Бу даврни келтириб чиқарган сабаблар ва уларнинг асосчиларини муфассал ўрганиш керак. Ш. Рашидов ўзининг 40 йиллик иш фаолиятида қандай поғоналарни босиб ўтганлигини юқорида баён этдим. У мамлакатимизда Сталин, Маленков, Хрушчев, Брежнев, Андроповлар бошчилик қилган даврларни ўз бошидан кечирди. Турғунлик даври деб аталган йилларда Ўзбекистонда содир бўлди деб жуда бўрттириб кўрсатилган камчиликлар бошқа минтақаларда рўй берган нуқсонларнинг акс садоси эди, холос.

Ш. Рашидов ўз даврида хато-камчиликларга йўл қўйган бўлиши мумкин. Ахир, халқимиз «яратганнинг ўзи бегуноҳ» дейди. Менимча, Рашидовнинг энг катта хатоси ўз атрофидаги кадрларга зиёда ишонганидан, уларнинг айблари аниқланганда ҳам шафқат қилганидадир. Яна ўз атрофидаги кишиларга юқорида айтганимиздек ортиқча ишонганлигини ҳам айтиш мумкин.

Ш. Рашидов ишончини қозонган айрим шахслар таъмагирлик йўлига, қайси бирлари фирибгарликкача бориб етишди. Бу аҳволдан Шароф Рашидовнинг бехабар эканлигини халқ яхши биларди. Шунинг учун ҳам Рашидов ҳалол, пок инсон эканлигига шубҳа қилмасди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда дунёдан ўтган раҳбарларни қоралаш, турли айблар қўйиш, улар раҳбарлигида халқимиз меҳнати туфайли эришган ютуқларни камситиш, жамиятимиз босиб ўтган оғир, машаққатли тарихий даврни бузиб кўрсатиш одат тусига кирди. Бу эса халқимизнинг пок ҳис-туйғуларига салбий таъсир кўрсатди.

Истиқлол шарофати билан Шароф Рашидов ва бошқа эл-юртга холис хизмат қилган, ўзлигини халққа бағишлаган кишилар ҳақида юракдаги гапларни очиқ-ошкор айтмоқдамиз. Шу муносабат билан Ш. Рашидовнинг Работга эътибори билан боғлиқ бир жиҳатни айтиб ўтмоқчиман. 1947 йилда Работ аҳолиси уни якдиллик билан Ўзбекистон Олий Кенгаши ноиблигига сайлаган эди. У халқ томонидан берилган наказларнинг бажарилишига эътибор билан қаради. Работда катта мармар заҳираси борлигини, у сифат жиҳатидан дунёда иккинчи ўринда туришини билар эди. Ана шу табиий бойликдан аҳоли турмуш тарзини яхшилашда, унинг маданиятини ўстириш соҳасида фойдаланиш зарурлигини алоҳида уқтирган эди. Учқиз қишлоғидан Оғажон қишлоғигача 25—30 километрлик масофагача тоғ бағри адирларини суғоришни ташкил этиш, Кўрпасой ва Увобсой сувларини, ирмоқлар ва сел сувларини жамғариб сув омбори қуриш, уч-тўртта боғдорчилик ва сутчилик хўжаликларини тузиш, бу жойларнинг табиий шифобахш иқлимидан фойдаланиб курорт ташкил этиш, Работ ҳудудида 500 гектар майдонни кўкаламзорлаштириш ва уни чўлқуварлар дам олиш зонасига айлантириш, бу ерда кўплаб маданий-маиший бинолар бунёд этиш, қишлоқларга газ олиб келиш, аҳолини, айниқса, аёлларни иш билан таъминлаш, бунинг учун трикотаж тикувчилик фабрикасини очиш, иккита кўчма механизациялашган колонна, бир автобаза барпо этиш, қисқаси қишлоқни шаҳар типидаги районга айлантириш юзасидан яхшиятли фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. Шароф Рашидов ўз вақтида республика ва вилоят ташкилотларига бу ишларни амалга ошириш бўйича қимматли маслаҳатлар берган эдилар, аммо минг афсуски, Шароф Рашидов вафот этгач, бу таклифлар амалга ошмай қолди. Шароф Рашидовни бир неча марталаб илиқ кутиб олган, эртанги кунига катта умидлар билан қараган работликлар унинг маслаҳат-режалари туғул, муборак номига туҳмат тошлари отилганидан қаттиқ изтироб чекдилар. Работ эса ўша-ўша аҳволда қолиб кетаверди.

Мен аслида работликман. Бу жойнинг тарихи минг йиллар олисга бориб тақалади. Ҳикоя қилишларича, тоғ бағридаги адир ,булоқ бошларида беш минг йил олдин одамлар истиқомат қилган эканлар. Работда катта хонликлар, бекликлар ўтган. Буюк шоир, олим, алломалар яшашган. Ривоятларга кўра, Учқиздаги Хонтепа ўша пайтларда яшаган хонлар ва бекларнинг қабрларидир, деб, нақл қилишади. Дарвоқе, ҳозир ҳам бир ярим-икки метр қазилса, ер остида эски хон мақбаралари, иморатларнинг қолдиқлари, уй-рўзғор асбоблари парчалари топилади. Бир замонлар Работ сойида катта дарё оққан экан. Қарияларнинг айтишича, ўттиз-қирқ метр чуқурликда катта сув ҳавзаси бўлган. Ҳатто шу сувнинг бир қисми ерости йўллари орқали Нурота районигача бориб етган. Шу нарса эҳтимолдан ҳоли эмаски, Фориш районининг ғарбий шимолий зонасидаги Арнасой сув ҳавзаси Работ дарёсининг охири, деб фараз қилинади. Бизнинг фикримизча, демак, республика археолог олимлари ва тарихчилари шуғулланишлари учун бу ерда қизиқарли манбалар, тарихий обидалар бор. Ажабланарлиси шундаки, яқин-яқинларгача ана шу тарихий жой ном большовойлар ҳукумати даврида «76-от заводи» деб атаб келинди. Миллий қадриятларимизга «ҳурмат» шу даражада эди.

Ҳозирги Работда Тўқчора, Умор, Урганжи, Қорасийроқ, Қамбаршароф, Суғумбой, Молтоб, Учқиз, Алисайид, Тугалбой, Увоб, Танги, Қудуқ, Кўрпасой, Олтиҳовуз, Паймард, Тешикдара, Ардақшон қишлоқлари жойлашган. Уларда 15 мингдан ортиқроқ аҳоли истиқомат қилади. Қишлоқларга 8 ўрта мактаб, 12 та бошланғич ва тўлиқсиз ўрта мактаб, 30 дан ортиқ шифохона ва амбулатория, 9 та магазин аҳоли хизматида. Работдан 5 фан доктори, 10 дан ортиқ фан номзодлари чиққан.

Бу ерда элимиздан чиққан ажойиб кадрлар, чин инсонларнинг, юрт фарзандларининг номларини тилга олмай бўлмайди. Кўрпасой қишлоғидан қишлоқ Кенгашининг раиси Тошбек Абдураимов, Қаршибой Раҳматов, Учқиз қишлоғидан ширкат раиси Саримсоқ Пиримқулов, фирқа ячейкаси котиби Бўрон Эгамбердиев, Молтоб қишлоғидан ширкат раиси Исо Бекбўтаев, Қамбаршароф қишлоғидан райком котиби Уразбоқ Ғофуров, Умурзоқ Жалилов, Қорасийроқ қишлоғидан Мамат Холбеков, Элчибой Йўлчибоев, Тангиркул Худойбердиев, Алибек Кўчаев, Ҳамза Шодмонов, Урганчи қишлоғидан Тошбек Дўстбеков, Маматқул Мелибоев, Аҳмад Усаров, Умар қишлоғидан Анқобой Ортиқбоев, Олим Суяров, Абдулла Бобомуродов, Тўқчора қишлоғидан Абдулла Ҳаққулов, Шербек Абдураимов, Оғажон қишлоғидан Самгиров ва бошқалар жонбозлик кўрсатиб, эл-юрт учун хизмат қилганлар. Уларнинг номлари ҳамиша ҳурмат билан тилга олинади. Ҳа, халқ фидойи фарзандларни унутмайди! Уларнинг эл-юртга қилган хизматлари асло зое кетмайди! Уларнинг номлари абадийлаштирилди: мактабларга, кўчаларга номлари қўйилди. Масалан, узоқ йиллар халққа зиё таратган ажойиб инсон, камтарин Ўрозбой Ғофуровнинг номи эса марказдаги мактабга берилди. Улуғ Ватан уруши йилларида қишлоғимизнинг етти юздан ортиқ навқирон йигитлари немис-фашистларга қарши жангларда қатнашиб, шундан қарийб уч юз нафари жанг майдонларида ҳалок бўлди. Урушдан эсон-омон қайтиб келганларнинг мутлоқ кўпчилиги ҳозир ҳам сафимизда.

Қишлоғимиз иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли турмушини яхшилаш, маданиятини юксалтириш соҳасида тинмай хизмат қилаётганлар кўп. Шулар орасида Йўлчи Қаршибоев, Тўра Жумаев, Пирмамат Расулов, Неъмат Эрназаров, Қўшвоқ Ҳайдаров ва бошқалар бор. Ҳозирги пайтда Ленин қишлоқ Кенгашига Исомиддин Аҳмедов раислик қилмоқда. Қишлоғимиздан етишиб чиққан Тошкент дорилфунуни профессори, кафедра мудири Норбой Бекнозов, Фанлар академияси Фалсафа кафедраси профессори, фан доктори Акбар Аҳмедов, Самарқанд Архитектура институти профессори Турғунбой Холматов, Жиззах вилояти ҳокимининг муовини Жўрақул Исроилов, Ўзбекистон Президенти аппаратининг бўлим мудири Нурмат Аҳмонов, Вазирлар Маҳкамасининг соғлиқни сақлаш бўлими мудири Рустам Бекнозов ва бошқа кўпгина кадрларимиз республика, вилоят, район ва хўжаликларнинг раҳбарлик лавозимларида фаол меҳнат қилмоқдалар. Шуни айтиш кифояки, вилоятимиздаги ўн нафар хўжалик раҳбарлари — совхоз директорлари ҳамқишлоқларимиздир. Ҳозир қишлоғимиздан чиққан 300 дан ортиқ олий ва ўрта маълумотли ўқитувчилар шу ернинг ўзида фарзандларимизга таълим бермоқдалар. Айни пайтда 100 дан зиёд ёшларимиз республикамиз ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги республикаларидаги олий ўқув юртларида таҳсил олишяпти.

Работнинг келажаги порлоқ бўлишига ишонаман. Истагимиз шуки, республика ва вилоят раҳбарликлари ўз вақтида Шароф Рашидовнинг Работни гуллаб-яшнатиш йўлида билдирган таклифларини рўёбга чиқаришда бизга амалий ёрдам кўрсатишса, нур устига аъло нур бўлур эди. Бу билан Шароф Рашидов руҳини ҳам шод этардик.

Худойберди НОРМАТОВ,
меҳнат фахрийси.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА СЎЗ

Худойберди Норматов 81 ёшга қадам қўйди. Жиззах вилоятининг Работ қишлоғида туғилган, ота-онадан жуда эрта етим қолган Худойберднни Жиззах етимхонаси тарбиясига топширадилар. Бу ерда саводини чиқарган йигит Самарқандда очилган тиббиёт техникумига ўқишга йўлланма олади. Уни битиргач ўз қишлоғига келиб дастлаб Кўрпасой қишлоқ Кенгашининг котиби, сўнгра ўқитувчи бўлиб ишлайди. 19 ёшида эса «Работ» колхозига раис этиб сайланади.

У жуда катта ҳаёт йўлини босиб ўтди, турли-туман, катта-кичик лавозимларда ишлади. Каттақўрғон район партия қўмитасининг биринчи котиблигига уни шахсан Шароф Рашидов таклиф этган эди.

Тақдирни қарангки, 1947 йил декабрь ойида Шароф Рашидов вилоят партия қўмитасининг котиблигидан «Қизил Ўзбекистон», («Ўзбекистон овози») рўзномасига муҳаррир этиб тайинланганда унинг ўрнига вилоят партия қўмитасининг котиби этиб сайланди.

Худойберди Норматов ўзига қандай вазифа топширилмасин, уларни сидқидилдан бажаришга интилди.

Шароф Рашидов шахсиятига туҳмат тошлари отилган кезларда у халқ ўртасида, матбуот саҳифаларида, катта-кичик минбарларда унинг пок номини оқлаш учун астойдил курашди. Бу албатта ўша давр нуқтан назаридан олиб қараганда катта жасорат эди! Худойберди Норматов самарали меҳнатлари учун яқинда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг бир йиллигига бағишлаб чиқарилган «Мустақиллик» эсдалик нишони ва Ўзбекистон Олий Кенгашининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Муборак бўлсин, оқсоқол!

«Обуна—93»

«МУЛОҚОТ»ГА ЁЗИЛИНГ, АДАШМАЙСИЗ!

Азиз муштарий! «Мулоқот» жаридаси ижтимоий-сиёсий муҳит зиддиятли тарзда ўзгараётган, бир қолипдаги ҳаёт чегаралари синиб, фикрлар хилма-хиллиги ва қарашлар тўқнашуви вужудга келаётган бир пайтда дунёга келди. У тўрачилик ва амалдорлик тузуми — СССР, халқни алдаш, миллатларни йўқ қилиш, миллий маданиятларни барбод этиш асосида ягона «совет халқи»ни вужудга келтиришга интилган ноқобил тузум — социализмнинг жар ёқасига келиб қолганлиги арафасида адолат, ошкоралик ва демократия минбари бўлиб майдонга чиқди. Тез орада жарида Сиз азиз ўқувчиларнинг кўнглингизга яқин бўлиб, содиқ ва ҳамдард дўст сифатида кўзга ташланди. Сондан сонга унинг нусхаси кўпайиб, ўқувчилари сафи кенгайиб борди. Ўқитувчи-ю қурувчи муҳандису деҳқон, олиму чорвадорлардан тортиб барчабарча касб эгалари қалблари тўрида асраб-авайлаб, бировга ошкора айтолмай, ичларига ютиб юрган дардларини, армонларию орзуларини «Мулоқот»га ёзиб юбора бошлашди. Бу — кўнгилнинг яқинлигидан, мақсадларнинг муштараклигидан. Бу — очиқ-ойдин, юзма-юз туриб мулоқот қилиш, ичингдагини бор бутунлигича ўртага ташлаш, самимийлик ва дилдан суҳбат қуриш натижасидир.

Ўтган икки йил мобайнида Сиз жарида саҳифаларида минг йилликлар қаърида чанг босиб ётган мадакий дурдоналаримиз билан ил бор танишдингиз. Адабий меросдаги турли қарашлар, оқимлар ҳақида ва умуман маданиятимиздаги жаҳоншумул бўлган, бироқ ҳозиргача тилга олинмаган қатор фозилу-фузало шоиру-шуаро, олиму уламо, муарриху муҳандислар билан танишдингиз. Уларнинг ҳаёт йўлини ўргандингиз. Қарашлари ва ижодлари намуналари билан ошно бўлдингиз.

Тасаввуф илми, унинг асослари, маданий меросимизда тутган ўрни, бугунимиз ҳамда истиқболимизга сув ва ҳаво қадар зарур эканлигини ҳозиргача уларни инкор қилиб келаётганимиз, бугун жуда қаттиқ чанқоқлик даражасидаги маънавий эҳтиёж эканлигини тан олдик. Жарида бу соҳада Ҳожа Аҳрори Валий, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Муҳаммад ал-Бухорий ва бошқа улуғ зотлар ижодий йўналишларининг янги қирраларини очиб берди.

Тарихимиздаги «оқ доғ»лар маълум даражада ювиб ташланишига «Мулоқот» жаридасининг ҳам муносиб улуши бор. Унинг саҳифаларида ҳали ҳеч қаерда маълум бўлмаган ва эълон қилинмаган Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинганлиги (муаллиф профессор Ҳ. Зиёев), Октябрь инқилобининг зўравонлик ва босқичилик сиёсати эканлиги, унинг Ўрта Осиё халқлари бошига келтирган фожиалари тўғрисида (муаллиф профессор Ш. Каримов), миллий санъатимиздаги ясамалик, Ғарбнинг маданиятининг зўравонлик билан миллий маданиятимизга кириб келаётганлиги ва бу билан миллий ўзлигимизни йўқотишлаганлигимиз ҳақида (муаллиф Ф. Жўраев), бутун социализмни жар ёқасига олиб борган, ноқобил ва ғайри инсоний сиёсат ўчоғи бўлган коммунистик партия, унинг яккаҳокимлик мафкураси асоссиз ҳамда ҳаётдан узоқ эканлиги, у фақат миллий жумҳуриятларни чалғитиб, уларга зуғум қилиш, марказга қул қилиш сиёсати эканлиги ҳақида (муаллиф профессор Х. Пўлатов) ва бошқа теша тегмаган, тилга олинмаган муаммолару масалалар ҳақида илк тасаввурга эга бўлдингиз.

Ислом ва унга муносабат кескин ўзгарган бир пайтда «Мулоқот» жаридаси ислом динини юксак маънавият ва маданият эканлиги, у кўп қирали миллий маданиятимизнинг ажралмас қисми ва ўзига хос умуминсоний қадрият эканлиги хусусида қатор мақолалар туркумини эълон қилди. Жумладан, унинг саҳифаларидан Баҳовуддин Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Исмоил Бухорий, Термизий ва бошқа ислом илми ва назарияси уламолари ҳамда уларнинг асарлари пайғамбаримиз ва у кишининг халифалари ҳақида янги маълумотлар кенг ўрин олди.

«Мулоқот» жаридаси ўзининг йўналиши, мавзу доираси ва мундарижаси билан ҳар томонлама чанқоқ халқимизга мадад бўлишга интилмоқда. Шунинг учун ҳам унинг саҳифаларида ҳар доим қайсидир янги мавзуда сўз боради. Мабодо Сизга таниш мавзу кўзга ташланган чоғида ҳам унга янгича қараш ва муносабатни дарҳол сеза оласиз. Бу жариданинг ҳаёт билан ҳамнафаслиги, Сиз билан ёнма-ён туришга муҳтожлиги, Сизга янги сўз, янги гап айтишга интилиб яшаётганлигидан далолат беради.

Мураккаб турмуш шароитида яшаяпмиз. Иқтисодий танглик барчамизни гирдобига тортмоқда. Бундай пайтда қўлни-қўлга бериб, бир-биримизга мадад бўлиб, биримиз моддий, биримиз эса маънавий ёрдам бериб турсак қийинчиликларнинг ортда қолиши ҳеч гап эмас. Айни пайтда матбуот оғир иқтисодий етишмовчиликлар ва қийинчиликлар исканжасига тушиб қолди. Қоғоз, босмахона, транспорт ва алоқа хизмати баҳосининг кескин кўтарилиши нашрлар нархининг бир мунча ошишига сабаб бўлди. Шунинг натижасида вақтли матбуот нусхалари бир мунча камаймоқда. Бироқ, ҳар қандай шароитда ҳам Сизга мадад бўладиган, эртанги порлоқ кунга элтадиган, кўзингизга нур, кўнглингизга шуур, хонадонингизга зиё олиб кирадиган нашрларга обуна бўлишингизга даъват этамиз. «Мулоқот» Сизга ана шундай содиқ дўст, садоқатли ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлишига ишончимиз комил. Унга, албатта ёзилинг. Нашримизни бир йиллик обуна баҳоси 120 сўм, 6 ойга 60 сўм. Бир донаси 10 сўм. Сотувда эса чакана баҳоси 15 сўм. Индексимиз: 75401.

«МУЛОҚОТ» журнали таҳрир ҳайъати.

ТОШКЕНТ ИШБИЛАРМОНЛАРНИ КУТМОҚДА

25-29 сентябрь кунлари Республика Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ишбилармонларининг семинар-учрашуви ўтказилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари анжуманнинг бош мавзуси бўлади.

Амалий учрашувнинг муваффақиятли ўтиши кўп жиҳатдан ташкилий комитетнинг ишига ҳам боғлиқ. Лекция, учрашув ва суҳбатлар ўтадиган заллар ҳозирдаёқ жиҳозлаб қўйилди. Кўргазманинг баландлиги 2,5 метрли ҳаракатланувчи стендлар бўлган, ҳар бири 600 квадрат метр саҳнли заллари ишбилармонлар ихтиёрига берилади. Тижорат кўргазмасида уларнинг корхоналари чиқараётган маҳсулотлар қай даражада харидоргирлиги яна бир синовдан ўтади. Корчалонлар бирбирлари билан мол айирбошлаш ва ўзаро манфаатли алоқаларни давом эттириш тўғрисида шартномалар тузадилар.

П. НИШОНОВ,
ЎзА мухбири.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● ФАРҒОНА

САВОБЛИ ИШЛАРГА САРФЛАНГАН МИЛЛИОНЛАР

● АБДУРАУФ МАҚСУДИЙ АҚШдаги йирик тижоратчилардан бири, «Эл» ўзбеклар халқаро уюшмасининг президентидир. Абдурауф ака аслан марғилонлик бўлиб, замонанинг зайли билан болалигида ота-онасига қўшилиб Ватанидан чиқиб кетишга мажбур бўлди. У ҳар гал Ўзбекистонга келганида киндик қони тўкилган Марғилонни зиёрат қилмай, қариндош-уруғ, дўст-бирадарлар билан суҳбатлашмай кетмайди.

А. Мақсудий бу сафар Марғилонни зиёрат қилаётиб Фарғона шаҳрида қурилаётган рамзий дарвозани кўздан кечирди. Бу дарвоза мустақиллигимизнинг ўзига хос белгиларидан бири бўлиб қолажак. Абдурауф ака мана шу дарвоза қурилишига кетадиган 8 миллион сўмни ўз шахсий жамғармаси ҳисобидан тўлашга қарор қилди. Бундан ташқари, у Марғилон шаҳрида йилига юз нафар талабани инглиз тилида чуқур ва мукаммал ўқитиш учун махсус мактаб очишга сарфланадиган харажатни ҳам ўз зиммасига олди. Мактабда Америка Қўшма Штатларидан келган мутахассислар ўзбек йигит-қизларига сабоқ беришади. Шунингдек, америкалик тижоратчи Фарғонада чет эл моллари билан савдо қиладиган кўп тармоқли дўкон очиш ниятида. Унинг ҳар сафарги келиши вилоятда янги таклифлар, тадбир ва ташаббусларни бошлаб бераётганлиги эътиборга сазовор бўлмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ.

● СИРДАРЁ

МИРЗАЧЎЛДА ХИТОЙ ҚЎШМА КОРХОНАЛАРИ

● **ҚАРДОШЛАРИМИЗ таклифларига биноан бундан бир ойча муқаддам Сирдарё вилояти вакиллари Хитой Халқ Республикасининг Хэлунузян вилоятида бўлишган эди. Яқинда эса ана шу вилоят вакиллари қадимий Мирзачўл тупроғига ташриф буюрдилар.**

Меҳмонлар уч кун давомида вилоятда бўлишиб, савдо-сотиқ, қурилиш ва ҳамкорликнинг бошқа соҳаларига оид масалалар билан танишиб, ўзаро алоқалар йўлларини белгиладилар.

Ўзаро ҳамкорик тадбирларини белгилаш пайтида Сирдарё вилояти манфаатларини ҳимоя қилган вилоят ҳокимининг муовини Б. Пайзиевнинг таъкидлашича, хитойлик дўстлар билан ўзаро ҳамкорлик фойдали бўлди. Келишувга мувофиқ Гулистон шаҳрининг марказий жойларидан бирида «Хитой — Сирдарё» қўшма магазини очилади. Унда Хитой Республикасида чиқарилаётган турли ноёб маҳсулотлар сирдарёликлар учун бозор нархидан бир неча бор арзон сотилиши йўлга қўйилади. Шунингдек, Гулистон спиртсиз ичимликлар, консерва заводи базаларида қўшма корхона ташкил этишга келишиб олинди.

Хитойлик ишбилармонлар бундан ташқари, Гулистон пойабзал фабрикасида чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини тубдан яхшилаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Буларнинг бари ўзаро ҳамкорликнинг дастлабки қадамлари, холос. Келажакда бу ишларни янада кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш кўзда тутилмоқда.

Абдужалил УМАРОВ.

● ХОРАЗМ

БЕРУНИЙ РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

● **АЛ-ХОРАЗМИЙ номли Урганч давлат дорилфунунида ўрта асрларда яшаб ижод этган хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний таваллуди ҳамда илмий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий кеча бўлиб ўтди.**

Кеча қатнашчилари Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. Азимжонованинг «Беруний ва Бобур Ҳиндистон ҳақида», шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, адабиётшунос олим А. Ирисовнинг «Беруний: «Ҳиндистон» асарининг 960 йиллиги», ана шу институт илмий ходими Б. Абдухалимовнинг «Ҳожа Ҳалифа Беруний ҳақида», тарих фанлари доктори М. Маҳмудовнинг «Беруний ва тиббиёт», Урганч давлат университетининг профессори Ҳ. Абдуллаевнинг «Беруний адабий қарашлари», шоира У. Отаеванинг «Беруний ва маданий меросимиз» ҳақидаги маъруза ва ахборотларини мароқ билан тингладилар. Олимлар улуғ элдошимизнинг жаҳон илм-фани хазинасига қўшган салмоқли ҳиссасини мамнуният билан қайд этишди.

Ўзбекистон халқ артисти М. Бобожоновинг Беруний қиёфасида чиқишлари, «Саномо» дастаси қатнашчиларининг куй ва қўшиқлари ҳам кеча қатнашчиларига завқ-шавқ бағишлади.

Беруний хотираси ва руҳи ёд этилган ижодий кечада Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов, дорилфунун ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. Саъдуллаевлар сўзга чиқишди.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

• Изланиш ва ҳамкорлик самараси •

АНТИҚА ЧОЙ

Юқори Чирчиқ райони далалари бўйлаб борарканмиз, антиқа ўсимлик эътиборимизни тортди.

— Ҳайрон бўлманглар, — деди ҳамроҳимиз «Саломатлик» маркази фирмаси бош директори Р. Хаметов. — Биз бу ўсимлик уруғини олис Қуриядан олиб келганмиз. Кассия ўсимлиги уруғидан дармондори чой тайёрлаяпмиз.

Дарҳақиқат пойтахтимизда ташкил этилган «Саломатлик» маркази аҳоли соғлиғини муҳофаза этиш йўлида доимий изланяпти.

— Биз халқ табобати усулларида даволашга асосий эътиборни қаратганмиз, — дейди Рафиқ Хаметов. — Мустақиллик шарофати билан тиббиёт соҳасидаги қадриятларимиз ҳам тикланяпти. Доривор ўсимликлар билан даволашда Шарқ мамлакатларининг тажрибаси катта. Шу боис биз дастлабки қадамни Шимолий Қуриянинг машҳур «Маннен бога» («Минг соғлиқ») фирмаси билан ҳамкорлик ўрнатишдан бошладик. Бу фирма шифобахш ўсимликлардан дори-дармон тайёрлаш бўйича донг чиқарган. Қуриялик ҳамкасбларимиз Ўзбекистон шароити Кассия ўсимлигини етиштириш учун жуда мос эканлигини аниқлашгандан сўнг ҳамкорликда енг шимариб ишга киришдик. Натижада Ўзбекистонда, қолаверса, Ўрта Осиёда илк бор кассия ўсимлигини етиштириб, унинг уруғидан чой тайёрлашга муваффақ бўлинди. Ҳозир кассия ўсимлиги уруғидан тайёрланган дастлабки чой маҳсулотлари республикамиз дўконлари ва дорихоналарига чиқарилди.

— Чой бўлганда ҳам шифобахш, минг дардга даво чой, — деди суҳбатга қўшилиб фирманинг тиббиёт бўйича директори Қурбон Бегнаев. — Кўриниши жигаранг, силлиқ, таъми эса кофени эслатувчи чой семириб кетиш ва ич қотишнинг олдини олади. Зардобни юритади, иштаҳани очади, кўз чароғонлиги, жигар фаолиятини яхшилайди. Қон босимини аста-секин туширади, пешоб ҳайдайди, ичакдаги зарарли микробларнинг ўсишини тўхтатади. Унинг яна бир муҳим жиҳати инсон саломатлиги учун безарарлигидир. Фақат гипертонияга мойил бўлган одамлар уни чой, кофе, женьшен ва бошқа бардамқувват воситалар билан бирга қўшиб ичиши керак.

Кассия уруғи таркибида антрогликозитлар, гликозитлар, алколоидлар, стеринлар, органик кислоталар, танин, витамин К, шунингдек, аминокислоталар ҳамда турли микроэлементлар мажмуи мавжуд. Собиқ Иттифоқ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фармокология қўмитаси томонидан бундан икки йил олдин кассия уруғи чойидан даволаш мақсадларида фойдаланишга рухсат этилган.

«Саломатлик» маркази кўп тармоқлидир. Пойтахтимизнинг «Правда Востока» кўчасидаги 6-уйда жойлашган марказни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ишлари қизғин кетяпти. Беморларнинг даволаниши учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Фирма республикамизда турли хил доривор ўсимликлар етиштириб кўпайтиришни асосий мақсад қилиб қўйган. Чунончи Сирдарёда 5,5 гектар майдонда облепиха ва наъматак етиштириш мўлжалланган. Бундан ташқари 200 гектар ерда қишлоқ хўжалик ва чорвачиликни ривожлантириш ҳам кўзда тутилмоқда. «Саломатлик» маркази шунингдек, савдо-тижорат фаолияти билан шуғулланади. Ҳозирданоқ кассия уруғи чойига МДҲдан, хориждан кўплаб харидорлар чиқмоқда, буюртмалар келмоқда. Айни кунларда АҚШ, Юнонистон ва бошқа қатор мамлакатлардан ҳамкорлик тўғрисидаги таклифлар тушяпти. Шуни айтиш керакки, фирма ўз маҳсулотларини замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва жиҳозларига алмаштиришни мақсад қилиб қўйган. Бу эса аввало марказ, қолаверса республикамиз тиббиёт муассасалари ишини янада яхшилашга хизмат қилади.

Марказнинг хорижий давлатлар билан алоқалари кенгайиб бормоқда. Яқинда шартномага кўра Тошкентга хитойлик бир гуруҳ мутахассислар келишади. Улар олти ой мобайнида игна билан ва уқалаб даволаш муолажасини олиб боришади. Беморларнинг истагига кўра бундай ҳамкорлик янада кенгайтирилади. Яқин орада хитойлик тиббиётчилар республикамиз мутахассисларига Шарқнинг қадимий даволаш усулларини ҳам ўргатишади. Ўз навбатида улар жарроҳлик, кўз даволаш соҳалари бўйича тажриба орттирадилар. Шунингдек, фирма республикамиз шифокорларини Хитойга жўнатиб, икки йилгача тажриба ошириб келишларига кўмаклашади.

М. ПИРМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АНДОЗА ОЛМАЙМИЗ, ЎРГАНАМИЗ

● Ҳозирги кунда иқтисод олий ўқув юртлари ва факультетларининг асосий вазифаси бозор иқтисодиёти муаммоларига тўла ёндашиб, унинг шароитида самарали фаолият кўрсата оладиган, тижорат ва бизнес сирларини чуқур ўзлаштирган тадбиркор, ишбилармон, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Бу борада Туркия тажрибасидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида яқинда ўтказилган илмий-ўқув-методик анжуман ана шу муаммоларга бағишланди.

Жумҳуриятимизнинг турли олийгоҳларидан ўн тўққиз иқтисодчи олим шу йил икки ой мобайнида Туркия модели ва бозор иқтисодиёти шароитида олий таълимни ташкил этиш тажрибаси билан танишиб қайтдилар. Анжуманда қатнашган олимларнинг маърузалари Туркияда бозор иқтисодиётининг шаклланиши, ривожтопиши, унинг босқичлари, мулкчилик шакллари, бошқариш, режалаштириш, молия, кредит ва пул тизимлари, халқаро иқтисодий муносабатлар, туризмнинг ривожланиши, олий таълим тизимида мутахассислар тайёрлаш, тижорат, маркетинг, менежер каби масалаларга бағишланган эди.

Шуниси муҳимки, Туркияда давлатни бошқаришда планлаштиришдан кенг фойдаланилади. Жумладан, беш йиллик ва йиллик иқтисодий ривожланиш режалари тузилади, фан-техника тараққиёти ва халқ хўжалигини компьютерлаштиришга алоҳида аҳамият берилади. Молия-кредит муносабатлари ҳозирги замонавий бозор иқтисодиётига мослаштирилган. Банк тизими иқтисодиётнинг қон айланиш томири ролини ўйнайди. Марказий банк бутун бозорни, жумладан, молия, пул, валюта бозорларини қўзатиб, уларни тартибга солиб туради. Унинг филиаллари йил сайин ортиб бориб, Туркиянинг барча минтақаларида иқтисодиётнинг жонланишида муҳим роль ўйнайди. Бироқ шуни таъкидлаш керакки, Туркия иқтисодий тараққиёти жумҳуриятимиз учун андоза эмас, биз ундан шароитимизга мосини ўрганамиз.

Тингланган маърузалар ва мулоқот натижалари асосида анжуман бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнини жадаллаштириш ва янги талабларга жавоб берадиган даражада олий таълимни ташкил этишга қаратилган қимматли таклифларни қабул қилди. Жумладан, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни режали олиб боришни давом эттириб, микроиқтисодий моделлар асосида такомиллаштириш ва план кўрсаткичларига тавсия тизимини бериш, қўшма, майда ва хусусий корхоналар, уларнинг ташаббусини жадал суръатлар билан ривожлантиришга эришиш учун мавжуд бўлган тўсиқлар ва камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Чет эл инвестициясига кенг йўл очиш ва ундан самарали фойдаланиш, бунинг учун маҳкамачилик, расмиятчиликни бартараф қилиш, давлат муҳофазаси ва гаровини тўла йўлга қўйиш, уларга белгиланган солиқни бекор қилиш, молия, кредит ва банк тизимларини тараққий эттириш ва мулкчиликни ривожлантириш масалалари аниқлаб олинди. Нарх-навони белгилаш механизмини такомиллаштириш, учет ва статистикани миллий ҳисоб асосида БМТ ва Европа иқтисодий уюшмаси стандартига мувофиқ равишда ташкил қилиш, маркетинг ва аудит хизматларини кенг жорий этиш режалари ишлаб чиқилди. Олий таълимни кўп поғонали шаклда ташкил этиб, мутахассисларнинг малакасини узлуксиз ошириб боришни таъминловчи тизимни ишлаб чиқиш, олий ўқув юртларида, факультетлар, кафедраларни йириклаштириб, бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш, университетлар таркибида магистрларни тайёрловчи олий мактаблар очиш, имтиҳонлар тизимини асосан тест усулида ташкил этиш, ўқув режалари ва дастурларини янгидан тузиш ва фанлар (умумижтимоий) сонини қисқартириб, ўқув режаларида махсус фанларни ошириб, уларни ажнабий тилда ўқитишни кенгайтиришга алоҳида аҳамият бериш зарурлиги анжуманда таъкидланди.

З. ЙУЛДОШЕВ,
Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетининг проректори, профессор.

• ОЛИЙ ТАЪЛИМ: ИЗЛАНИШЛАР ЙЎЛИДА

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● НАВОИЙ

ИНҚИЛОБИЙ НОМЛАР ЎЗГАРТИРИЛДИ

● ИСТИҚЛОЛ шарофати билан «Октябрь», «Партсъезд», «СССР 60 йиллиги» каби инқилобий номлар ўрнига маҳаллий атамалар қўйилмоқда.

Конимех районидаги янги хўжаликларда ана шундай ўзгаришлар бўлди. Чунончи «Соркўл», «Чордара», «Қарокота», «Қизилқум», «Сарибел», «Маданият» номини олган хўжаликларда аҳоли мамнун. Шунингдек Томди, Учқудуқ районларида хўжаликлар номи ҳам ўзгартирилмоқда.

● ҚАШҚАДАРЁ

БИР ЙЎЛА ИККИ КИЧИК КОРХОНА

Ульянов районидаги «Ғалаба» совхозида бир йўла икки кичик корхона иш бошлади.

«Фаолият» кичик корхонаси дурадгорлик ишлари билан шуғулланаяпти. Эшик, ром каби буюмлар тайёрлаб, уй-жой қураётган аҳолига арзон нархда сотмоқда.

Материаллар товар алмаштириш йўли билан Россия Федерациясидан олиняпти. Шунингдек, қоқи тайёрлаш кичик корхонаси иши ҳам диққатга сазовор.

● ХОРАЗМ

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ЖАМҒАРМАСИ

● УРГАНЧДА Хоразм вилоятининг ҳокими Маркс Жуманиёзовнинг фармойиши асосида ўзбек халқининг миллий қаҳрамонларидан бири Жалолиддин Мангуберди жамғармаси ташкил этилди.

Жамғармада тўпланган маблағ Хива шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан «Аббосфильм» ижодкорлари томонидан суратга олинаётган, Чингизхон босқинчиларига қарши курашда жаҳоншумул қаҳрамонлик кўрсатган Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди хотирасига бағишланган фильмнинг яратилишига моддий ёрдам тарзида сарфланади.

Жамғарма учун вилоят агросаноат банкида махсус ҳисоб счёти очилди. Қатор районлар ва шаҳарларнинг ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари, корхона, муассаса ҳамда кўплаб фуқаролар дастлабки кунларданоқ «Жалолиддин Мангуберди» жамғармасига юз минг сўмдан кўпроқ пул ўтказишди.

• «Мустақиллик—менинг ифтихорим» фототанловига



Қўлда сайр. Абдувоҳид ТУРАЕВ олган сурат-лавҳа.

● ТОЖИКИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАР: ФИКРЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

ИНСОНЛАРЧА МУНОСАБАТ ВА ФАОЛЛИК КЕРАК

Кунлар ўтиб бормоқда, аммо қўшни Тожикистондаги фуқаролар ўртасида чиққан можаро сусаймаяпти. Ғаламис кучлар қардош халқ турмуши осойишталигини бузмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қўшни республикадаги воқеалар хусусида 8 сентябрь куни телекўрсатув орқали қилган Мурожаати ҳамон долзарб бўлиб турибди.

— Бухоро-1 темир йўл бекати меҳнат жамоаси номидан бекат бошлиғи Н. Ҳасанов билан касаба уюшма комитети раиси Х. Худойқулов И. А. Каримов номига йўллаган хатида шундай деб ёзишибди:

«Тожикистонда кўпларимизнинг ёру биродарларимиз, қариндошларимиз, ака-ука ва опа-сингилларимиз яшайдилар. Биз уларнинг тақдири ва келажагидан хавотир оляпмиз.

Ҳурматли Президентимиз, Сиздан республикамизда бундай воқеа рўй бермаслиги учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишингизни сўраймиз. Миллатлараро адоватни кучайтириш, бебошлик ва тартибсизлик чиқариш билан шуғулланаётган ҳар қандай лавозимдаги барча кишиларга қонунга қатъий мувофиқ равишда муносабатда бўлишни талаб қиламиз».

Ҳозир Ўзбекистон қийин аҳволга тушиб қолганини тушунамиз, дейлади сўнгра хатда. Шу боисдан ҳам одамларнинг турмушини яхшилаш учун, республикамиз иқтисодиётини тезроқ юксалтириш учун зўр ғайрат билан ишлашга тайёрмиз. Жойларда ўз Фармонларингизнинг ижросига қаттиққўл ва талабчан бўлишингизни сўраймиз.

(ЎзА).

• Тадбиркорлар бор бўлсин •

ОЗ БЎЛСА-ДА, ОИЛАГА МАДАД

● Бир неча йилдирки, Гурлан районидаги «Намуна» (собиқ «Коммуна») жамоа хўжалиги аъзоси Турсунбобо Одамбоевнинг номи тилга тушиб қолди. «Етмиш ёшни қоралаб қолганига қарамай тиниб-тинчимайди, даласи бамисоли жаннат!» — деди район ҳокими Амин Вафоев. Ишбилармон, тадбиркор деб ном чиқарган деҳқон даласига йўл олдик.

Унинг ери ярим гектар пахтазор, тўрт гектар бедазордан ҳамда Президент Фармони асосида эл қатори берилган 12 сотих томорқа участкадан иборат бўлиб, Кенжа Евғашев бошлиқ бригада ҳудудида ястанган экан. Қадимдан бу ерлардан Амударё оқиб ўтган. Ўзанини ўзгартиргач, қирғоқларда қум барханлари мерос бўлиб қолган. Ўша барханларнинг яқин-яқинларгача сақланиб қолган бўлагини гидромелиораторлар етмишсаксонинчи йилларда ўзлаштиришиб, экинзорларга айлантиришган. Дастлаб бу ерларда шоли, маккажўхори, озуқабоп экинлар етиштирилган эди. Эндиликда пахта экиляпти. Юқорида тилга олинган майдоннинг олти гектари 1983 йилдан буён Турсунбобо ихтиёрида.

Бобо қўриққа яқин жойдаги марказий қўрғонда иморат қилиб, оила пудрати ҳисобга олган ана шу далаларида тиним билмай, эрта тонгдан қоронғу шомгача меҳнат қилади, дейишганида заррача ҳам муболаға йўқ экан: пайкаллар ҳосил ва зироатнинг мўллигидан кўзларни қувонтиради. Тўрт юз туп терак, 770 туп тут, юз туп ток, олма ва олча дарахтлари файз киритган. Ота бу ишга бировнинг ундови билан эмас, йўқ, ўз хоҳиши ва ҳиммати билан эккан. Ўнлаб мевали дарахтлар аллақачон ширин-шарбат ҳосилини ннъом қилиб, рўзғорининг мевага бўлган эҳтиёжини тўла таъминлайдиган бўлиб қолган.

Бобонинг ўн икки сотихдан иборат қўшимча томорқа участкасида онла эҳтиёжидан ҳам ортиб қоладиган қовун-тарвуз, картошка, сабзи-пиёз, помидор ва болгар қалампиридан ҳосил етиштирилмоқда. Бу ҳозирги иқтисодий танглик шароитида оилага мадад бўляпти. Бундан ташқари томорқа участкасининг ёқаларига ҳам турли мевали дарахтлар экилган.

— Мақсадим, мана бир қарич жойни ҳоли қолдирмай, ундан ризқ ундириш, боғ-роғга айлантириш, — дейди ота. — Ҳали қўлим етмаган анча жой бор. Шу йилнинг кузидан қолдирмай юз тупга яқин терак, жийда экмоқчиман. Бошқа пудратчилар ҳам шундай қилишса, олам гулистон, деяверинг!

— Теракни кўп экибсиз.— ўрнига мевали дарахт ўстирилса яхши бўлармиди?

— Ҳар дарахтнинг ўз фазилати бор, — деди бобо майин эсган шабадада яп-роқлари шовуллаб турган теракларга тикилиб. — Айниқса, нарх-наво осмонга чиқиб, қурилиш материалларнинг, биринчи навбатда, ёғочларнинг нархи ошиб кетган ҳозирги пайтда теракларнинг баҳоси йўқ. Беш-олти йилда эҳтиёжга ярайдиган бўлиб қолади. Ўрнига-ўрин тағин ниҳол экиб борилаверади.

Қишлоқда энг кўп терак эккан ҳам Турсунбобо экан. Бир пайтлар хуторда кетмакет иккита иморат тикланганида ҳам у томни бостириш учун айрим қўни-қўшнилларга ўхшаб, ёғоч ахтариб елиб-югурган эмас. Ўшанда ҳам неча ўнлаб қучоққа сиғмас тераклар кўкартириб қўйган эди. Иморат тикланганида ўша тераклари асқотибди...

Турсунбобонинг мевазори ҳар галгидай бу йил ҳам яхши ҳосил беряпти. Бугунгача бобога қарашли пайкаллардан уч марта витаминга бой беда пичани ўриб олинди. Пахтазор ҳам чакки эмас, ғўза ниҳоллари дуркун ривожланяпти. Айни пайтда ҳар бир туп ниҳолда 14—16 тадан бўлиқ кўсак санаш мумкин. Бу пайкалларга тўрт марта сифатли ишлов берилган, маҳаллий ўғитлар билан тўйдириб озиқлантирилган.

Хонадон иқтисодчилари аллақачон чамалаб қўйишган: бу йил оила бюджетига фақат пахта етиштиришнинг ўзидан камида 50—60 минг сўм, қўшимча томорқадан 20 минг сўм, 200 килограмм пилла етказиб беришгани учун ҳам бир неча минг сўм даромад қилишади.

— Мустақиллик шарофати бу! Пойқадами қутлуғ бўлаверсин, — дейди Турсун бобо Одамбоев мамнунлик билан. — Ахир, меҳнат эвазига 80 минг, 100 минг сўм, ҳатто ундан ҳам ошириб ҳақ оларман, деган ўй— андиша аввал қайси бир деҳқоннинг хаёлига келган эди, дейсиз?! Жумҳуриятимиз мустақиллигини ҳаммамиз бир бўлиб мустаҳкамлашимиз, ҳар биримиз қўлимиздан келганича ҳисса қўшмоғимиз керак, ахир. Бунинг учун бир қарич бўлса-да ўша ерга бирор мевали дарахтни, тут ёхуд теракни экиб, кўкартириш тарафдориман. Шундай қилсак, дастурхонимиз ноз-неъматларга тўлаверади. Оладиган даромадимиз кўпаяди, арзончилик бўлади. Ўзбекистонимиз иқтисодий бақувват, қудратли давлатга айланади.

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Андижон бадиий буюмлар фабрикасида 36 хилдаги халқ истеъмоли моллари ҳамда совға буюмлар ишлаб чиқарилади. Айни кунларда фабрика жамоаси яқинда ўтказилажак Осиё, Африка ва Лотин Америкаси XI Тошкент кинофестивали меҳмоларига атаб турли-туман эсдалик рўмолчалар тайёрлашяпти.

СУРАТДА: миллий дўппи тикиш цехи чеварлари (чапдан) Илтижохон Абдуллаева ҳамда Раъноҳон Буважонова.

Ш. АЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ЖИЛОСИ КЎЗНИ ОЛСА...

Пойтахтимиз Тошкент — Ўзбекистоннинг кўрки, маъмурий-маданий маркази бўлиши билан бирга ўлкамиз тўқимачилик саноатининг юраги ҳам дейиш мумкин. Истиқлол туфайли тўқимачилик корхоналарида тайёрланаётган маҳсулотимизни бемалол жаҳон бозорига олиб чиқиш имкониятига эга бўлдик.

Концернимиз ташкил этилганига бир йилдан ошди. Шу вақт ичида маҳсулот ишлаб чиқариш режадагидан анча кўпайди. Йигирилган ип, ип газлама ва бошқа тур маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми анча кўпайди. Тошкент ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналарида тайёрланган «Астра», «Наврўз» номли матолар харидорлар дидига мос тушмоқда.

Олдимизда жаҳон бозорида ўз харидорларини топа оладиган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш вазифаси турибди. Бунинг учун тўқимачилик корхоналарини замонавий асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозлаш зарур. Шу боисдан тармоқ корхоналари қўшма кенгашларида қайта жиҳозлаш бўйича қабул қилинган дастурлар асосида иш олиб бормоқдамиз. Ҳусусан, Тошкент ип газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг 1-йигирув-тўқув фабрикасида эскирган дастгоҳларнинг маълум қисми янги дастгоҳлар билан алмаштирилди. 2-йигирув-тўқув фабрикасида мокили дастгоҳлар ўрнида АТПР тўқув дастгоҳлари ўрнатилди. Шу йил охирида 115 миллион квадрат метр газлама тайёрлаш қувватига эга бўлган янги бўяш ва пардозлаш фабрикаси қурилиб, ишга туширилади.

Шаҳримизда йилига 4 минг тонна йигирилган ип ва 5 миллион метр «Деним» жинси газламаси ишлаб чиқарадиган Италиянинг «Тесситура — Винчентина» фирмаси билан «Американинг «Ай-Ти-Ай», йилига 5,4 минг тонна йигирилган ип тайёрлайдиган «Супертекстиль» қўшма корхоналари ташкил этилади.

Шу нарсани ишонч билан айтиш мумкинки, жамоамиз аъзолари Тошкент тамғаси босилган газмолларнинг шуҳратини ошириш, харидор дидига мос, жилоси кўзни оладиган сифатли маҳсулотлар тайёрлаш учун барча имкониятларни ишга солидилар.

А. ИКРОМОВ,
«Ўзбектўқимачи» концерни раиси.

• Деҳқон-фермер ҳаётидан

ЕР СОҲИБИНИ ТОПДИ

● Замон ўзгарди. Ҳурлик шабадалари эсаётган бугунги Ўзбекистонимизда ишбилармон, тадбиркор, Ватанимиз фуқароларини бой ва тўқ яшашга ундайдиган барча омиллардан иложи борича кенг фойдаланиш имкони келди.

Ака-ука Дадаали ва Амирилло Бегалиевларни шундай тадбиркор кишилар сирасига киритиш мумкин. Улар Яккабоғ районидаги «Коммунист» давлат хўжалигидан 1992 йил ноябрь ойида 73 гектар ер олиб, «Минжир» деҳқон-фермер хўжалигини ташкил этишга киришдилар. Хўш, бу заҳматкашлар нималар қилдилар-у, нималарга эришдилар? Ғалвир сувдан кўтарилганда 20 гектар ғалла майдонидан 26 тонна ҳосил олдилар. Умумий ҳосилдорлик 24,5 центнердан тушди. Ана шу ҳосилнинг 50 фоизи «Коммунист» давлат хўжалигига сотилиб, олинган қарзни уздилар. Қолган ҳосилни тумандаги ун заводига сотиш мўлжалланмоқда.

34 гектар лалми ерга арпа сепилганди. 8,5 центнердан ҳосил олишди. Давлат хўжалигига 50 тонна сомон сотилди. Мева етиштиришга кенг эътибор берилянти. 13 гектар ер кўчат экишга ажратилди. 5 гектар ерга Амриқонинг «Жонатан» олмасидан, 5 гектарига мевасини қиш мавсумида ҳам асраш мумкин бўлган нок кўчатлари, 3 гектар ерга «Жануб гўзали» олчалари экилди. Кўчат қатор оралари ҳам бекор қолмади. 4 гектар ерга «Волгоград» помидори, 1 гектар ерга «Булғор» қалампири, 1 гектар ерга пиёз, 2 гектар ерга лавлаги экилди. Қолган ерларга картошка, бодринг, қовун-тарвуз экилди.

Ҳозир экинлар пишиб етилди. Ҳосилни етиштиришда Кўчқор Имомов, Гулнора Бегалиева, Маҳфират Муқимова, Умида ва Манзура Ҳасановаларнинг ҳиссалари катта бўляпти.

Деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи Дадаали Бегалиев Самарқанд қишлоқ хўжалиги олий илмгоҳининг 4-курсида сиртдан таҳсил олмоқда. Амирилло Бегалиев эса Тошкент техника олий илмгоҳининг инженер-техник куллиётини тугатган. Хўжалик саркорларининг режалари улкан. Бу йилдан бошлаб чорвачиликни ҳам ривожлантиришга аҳд қилишди. Бунинг учун, аввало, қишки оғиллар қуриш лозим. Келгуси йилда 5 гектар ерга қора кишмиш узумидан, кўчатлар орасига эса тезпишар, аъло навли буғдой уруғидан экиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, Минжир қишлоғида новвойхона очиш режаси ҳам бор. Бунинг учун маҳаллий тошлардан ва кесакдан фойдаланиш маблағни иқтисод қилишга шубҳасиз ёрдам беради. Қолаверса, ҳали заҳирада 200 минг сўм турибди.

«Минжир» деҳқон-фермер хўжалигида 28 киши ишлаяпти. Ҳамма берилаётган иш ҳақидан рози.

Бугунги тақчиллик шароитида бозорларимизни сероб қилиш учун бел боғлаган бу тадбиркорларга омад кулиб боқяпти. Ер ҳеч қачон унн эъзозлаган соҳибларини қуруқ қўймайди. Бу — азалдан маълум гап. Зеро, ҳар бир киши тадбиркор бўлиб, ўз ишига жонкуярлик билан киришса, мустақил жумҳуриятимизда шунчалик тўкин-сочинлик бўлади.

Эркин ҲАСАН ўғли.

СПОРТ

ПАҲЛАВОН МАҲМУД РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

● 2500 ЙИЛЛИК тўйини нишонлашга ҳозирлик кўраётган қадимий Хивада полвонларнинг халқаро мусобақаси ўтказилди. Шоир ва файласуф, ҳунарманд ва курашчи Паҳлавон Маҳмуд хотирасига бағишлаб ўтказилган полвонлар беллашувида Туркманистоннинг Тошҳовуз, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари ҳамда Тошкентдан тўпланган юз элликка яқин спортчи ўзаро баҳслашди.

Муросасиз қизғин курашларда вазнлари бўйича хоразмлик С. Одамбоев, М. Рўзиматов, А. Йўлдошев, Р. Болтаев, Д. Қаландаров, Р. Матрасулов, А. Маткаримов, Р. Шахмаев, С. Қурёзов, Х. Ҳусаинов, О. Худойқулов, А. Матчонов, қашқадарёлик Б. Авезов, бухороли К. Юнусовлар ғалаба қозонишди. Мутлақ ғолиблик учун кураш қашқадарёлик полвон Абдуқодир Пирматов билан хоразмлик Даврон Қаландаров ўртасида давом этди. Чаққон ва чапдастликни ўрнига қўйган хоразмлик полвон Хоразм ҳокимининг мутлақ ғолибга аталган совғини — янги телевизор, қимматбаҳо Хоразм пўстини ҳамда 10 минг сўмлик пул мукофоти билан тақдирланди. Иккинчи ўринни эгаллаган полвонга Хива гилами ҳамда хоразмлик машҳур Қодир полвоннинг шахсий совғаси — нархи 25 минг сўм деб баҳоланган бир бош буқа тақдим этилди.

Эркин МАДРАҲИМОВ.

«АНДИЖАНКА» ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ҒОЛИБИ

● «АНДИЖАНКА» хоккейчи қизлар жамоаси Малайзияда тўққиз кун бўлиб, ғалаба билан қайтдилар.

— У ерда хоккейга қизиқиш катта экан, — дейди «Андижанка» бош мураббийси Мирон Ким. — Халқаро мусобақа махсус ўйингоҳда ўтказилди. Дастлаб «Қироллар клуби» жамоаси билан майдонга тушдик. Қизларимиз кетма-кет ҳужум қилиб, мезбонларни таҳликага солдилар. Ананда Аветисян, Зарифа Юсупова ўйиннинг биринчи ярмидаёқ рақиблар дарвозасига биттадан тўп киритдилар.

Учрашувнинг иккинчи ярми ҳам шиддатли ўтди. Юқорида номлари тилга олинган хоккейчилар ҳамда Гулчеҳра Ворисова билан Феруза Макаева ҳисобни 6:0 га етказдилар. Бу, ўзига хос шов-шувга сабаб бўлди. Маҳаллий матбуотда «Андижанка» ҳақида илиқ гаплар ёзилди.

«Андижанка» «Рувал Челенгер» клуби билан беллашувда ҳам бўш келмади. Шунингдек, Ирландия жамоасини ҳам 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Шундай қилиб, «Андижанка» халқаро мусобақа ғолиби бўлди.

Анорбой ҚУРОНБОЕВ.

САЙҲУНОБОД — КУРАШЧИЛАР МАСКАНИ

● ГУЛИСТОН шаҳридаги «Спартак» стадионида Сирдарё вилоят қишлоқ спортчиларининг спартакиадаси ўтказилди. Икки кун давом этган мусобақада вилоятнинг барча районлари, Гулистон ҳамда Янгийўл шаҳар спортчилари ўзаро куч синашдилар.

Спартакиада вилоятда қишлоқ спортига алоҳида аҳамият берилаётганини кўрсатди. Айниқса, Сир соҳилида жойлашган Сайҳунобод райони вакилларининг қўлга киритган ютуқлари мутахассисларни мамнун этди. «Спортчилар оиласи» мусобақаси кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Арқон тортишувда сайҳунободликларга ҳеч ким бас келолмади. Улар шунингдек волейбол, шашка бўйича ҳам биринчи бўлишди. Футбол ва шахмат мусобақаларида совринли ўринларни эгаллашди.

Қишлоқ спортчиларининг вилоят спартакиадасида Сирдарё ва Боёвут районлари ёшлари ҳам бўш келишмади.

Абдужалил УМАРОВ.

• Халқ амалий санъати усталари

МАТОДАГИ ЧАМАНЗОР

Тўпларнинг гумбурлашидан саросимага тушган Султонбой таниш аравакашни ялиниб-ёлвориб ҳовлисига олиб келди-да, барча лаш-лушларни тез йиғиштириб, устига турмуш ўртоғи, фарзандларини ўтказганича шаҳардан чиқиб кетишга шошилди. Аслида зардўзлик билан кун кечираётган оиланинг Қизиллардан хавфсирайдиган жойи йўқ. Уларнинг камбағалларга иши йўқ эмиш.

Лекин унинг бутун умр амир саройи буюртмаларини бажариб келганини билиб қолишса-чи? Амирнинг малайи деб отиб ташлашлари мумкин! Унда бола-чақанинг ҳоли нима кечади?

Шунинг учун ҳам Султонбой Қизиллар ишғол қилаётган шаҳардан тезроқ узоқлашишга уринмоқда эди. Аммо сафари узоққа бормади. Новметан қишлоғига яқинлашиб қолганларида Улуғойда тўлғоқ бошланди. Етти пушти зардўз ўтган оиланинг давомчиси Нурмат нотаниш қишлоқнинг ҳовлиларидан бирида мана шундай вазиятда дунёга келди.

Бухорони ишғол қилишнинг таъсир-тусури тугагач, Султонбой яна ўша аравакашни ёллаб қадрдон Мирдўстум маҳалласидаги ҳовлисига қайтди. Бу ерда асосан зардўзлар яшашар эди. Уларнинг таъкидлашича, янги ҳокимият косибларни қўллаб-қувватлар эмиш. Дарҳақиқат, ҳеч ким унинг Амир Олимхонга либос тикканини сўраб-суриштирмади. Ҳунармандчилиги билан шуғулланиши учун патент берилди. Орадан бир неча йил ўтгач, шаҳар зардўзлари уюшиб, артел ташкил қилишди. Султонбой шу ерга ишга кириб, ўғли Нурматга ҳам касбини ўргата бошлади. Улар кўп йиллар бирга меҳнат қилишди. Уста Султонбой 102 ёшга кириб вафот қилди.

Отасининг қирқи ҳам ўтмаган бир пайтда Нурматни фронтга чақиришди. Миномётчи йигит уч йил қон кечиб жанговар мукофотлар билан она шаҳрига қайтди. Дастлаб турли корхоналарда ишлаган бўлса ҳам отабобо касби уни тинч қўймади. Бундан 35 йил муқаддам ўша артел заминида вужудга келган зардўзлик фабрикасига ишга кирди. Ўшандан буён қадрдон ҳунарини тарк этгани йўқ, шу касб орқали обрў-эътибор, маъмур турмуш яратди.

Илгари фабрикада анчамунча эркак зардўзлар меҳнат қилишарди. Ҳозир бўлса Нурмат ота корхонадаги ягона зардўз. Қолган дастгоҳларнинг барчасини хотин-қизлар эгаллашган. Отахон уларнинг барчасига устозлик қилмоқда. Қадимий санъатининг барча сиру асрори унда мужассамлашган.

Одатда кўпчилик санъаткорлар шуҳратпараст бўлишади. Нурмат ота эса, бунинг акси. «Ўзбектелефильм»нинг бир гуруҳ ижодкорлари ҳамроҳлигида фабрикада бўлганимизда қизиқ бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Айни маҳалда отахон шогирдлари билан бирга музей учун яратилаётган сўзана устида ишлаётган экан. У кинокамерани кўрди-да дарҳол ўзини четга олди. Режиссёр қанчалик уринмасин уни суратга тушишга рози қила олмади.

— Ёшим етмишдан ошиб қолди, менга кинога тушишга ким қўйипти, — деди у ҳол деган фикр билан шундай дейилган. Зардўзлар ўз пири устозлари деб беҳудага Юсуф пайғамбарни аташмайди. Ривоятга кўра, парвардигор чоҳга тушган Юсуф пайғамбарнинг бир кунини кўриши учун шу санъатдан воқиф қилган эмиш.

Дарҳақиқат, матода зар билан чаманзор яратиш игна билан қудуқ қазишдек машаққатли иш. Бунинг учун сабр-бардош, юксак маҳорат керак. Бухорода зардўзлик санъати XIV—XV асрларда вужудга келган. Айтишларича, бу санъат шаҳарга Мисрдан олиб келинган. Кўп ўтмай бухоролик зардўзлар мисрлик устозларидан ҳам ўзиб кетишган. Зардўзлик буюмлари нафақат маҳаллий фуқаролар орасида, балки, хорижда ҳам кенг шуҳрат топган. Рус, инглиз ва бошқа чет эл фирмалари маҳаллий усталарнинг маҳсулотини кўплаб харид қилишган. Бу эса зардўзлик санъатининг барқ уриб ривожланишига замин яратган.

Афсуски, шўролар ҳокимияти йилларида зардўзлик санъати анча сўниб қолди. Бунинг боиси — маҳсулот миқдорига зўр берилиб, сифатнинг эътибордан четда қолганида, албатта. Яқинда фабрикага ташриф буюрган хорижий бир шинаванда корхона музейига қўйилган ажойиб сўзанани йигирма минг долларга баҳолади. Лекин санъат асарини сотиш мумкин эмас. Сўзана эса, машҳур уста Нўъмонжон Аминов ижодининг маҳсули. Нурмат ота уни ўз устози деб ҳисоблайди.

Аммо худди мана шундай сўзаналарни яна яратиш мумкин эмасми? Нурмат ота буни амалда исботлашга киришди. Мана энди унинг дастлабки музей буюртмасига кўра тугатди. Хўш, шундай буюмлар тикиш ҳажмини кенгайтириб, уни валютага сотиш ташкил қилинса нима бўлади? Ахир, жамоага валюта жуда ҳам керак. Хом ашёнинг нархи кейинги бир неча йилда ўнлаб, юзлаб баравар ошгани сир эмас. Харажатларни фақат шу йўл билан қоплаш мумкин.

Нурмат ота бор экан, зардўзлик санъатининг сиру асрори унутилганича йўқ, фабрикада нафақат кенг истеъмол буюмлари, балки, чинакам санъат асарлари яратиш мумкин. Вақт ғанимат. Ноёб санъатни музей заллари эмас, корхона цехларида сақлаб қолмоқ лозим.

Шунинг учун ҳам яқинда фабрикада бадиий зардўзлик гуруҳи ташкил қилинди. Бу гуруҳга зардўзлар устози Нурмат ота Султонов бошчилик қилмоқда. Унинг раҳбарлигида ўн икки қўли гул зардўз қиз янги чаманзорлар яратишмоқда.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири».



Суратларда: Нурмат ота Султонов ва у тайёрлаган сўзана.
Ҳ. ҚУРБОНОВ олган суратлар.

• Савобли ишлар

БИРНИКИ МИНГГА...

● Маҳмуджон Носиров Марғилон шаҳридаги ишбилармонлардан. У пирибадавлат ҳожилар оиласидан. Падарибузруквори марҳум Мўйдин ҳожининг дуосини олганди. Маҳмуджон эса 100 ёшдан ошган волидаси Фотимахон ҳожи эна дуосини олмай, кўчага чиқмайди. Ишининг ўнгидан келишини боиси ҳам балки шундандир.

Икки йил аввал шаҳар Кенгаши сессиясида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш масаласи кўрилиб, покизалик маскани — ҳаммомларнинг аҳволи ниҳоятда ачинарли экани танқид қилинганди. Ўшанда Маҳмуджон ака шаҳар Кенгашининг депутати сифатида сўзлаб, бундай камчиликларни бартараф этиш йўллари ҳақида таклифлар билдирди. У ҳаммомларни корхона, ташкилотлар қўмагида капитал ва жорий ремонтдан чиқаришни таклиф қилди. Сессияда унинг таклифи бир овоздан маъқулланди. Ўзи эса 9-ҳаммомни таъмирлаш вазифасини зиммасига олди. М. Носиров раҳбарлигидаги трактор-таъмирлаш заводи ишчи-хизматчилари мазкур ҳаммомни қайтадан қуришга киришди. 250 минг сўм сарфланиб, ҳаммом биноси қайтадан таъмирланди.

Европача усулдаги ҳаммом ўрнига шарқона бино барпо этилди. Бинога кираверишингизда озодалик, покилик ва саломатлик ҳақидаги ҳикматли сўзлар кўзга ташланади. Дам олиш хонасида телевизор ишлаб турибди, чойлар дамланган. Алоҳида сауна, душ, магазин, ёруғ ва файзли ҳовли ҳамиша гавжум. Ошхона, чойхона, катта айвон, овқатланиш хоналари аҳоли ихтиёрида.

«Покиза» деб номланган янги корхонани барпо этишда жанбозлик кўрсатган Адҳамжон Пирматов, Раҳматжон Қорабоев, Муроджон Раҳбаров, Ҳабибилло Зиёдов, Миродил Раҳмонов, Жамил Исломов, Восил Аҳмадгалиев каби ишчиларнинг ғайратидан кўпчилик мамнун. «Бобур» маҳалласидаги бу бинонинг фойдаланишга топширилиши ҳам байрамона ўтди. Унда шаҳар ҳокими У. Қ. Ҳакимов қатнашиб, «Покиза» ҳам ўзига хос туҳфа бўлди, деди. Трактор таъмирлаш заводи ишчи-хизматчиларига миннатдорчилик билдирилди. Бирники мингга, мингники туманга, деганлари шуда. Маҳмуджон аканинг тадбиркорлиги туфайли қанчадан-қанча одамларнинг юмушлари енгиллашди. Тракторсозлар эса бепул ювинишмоқда.

Абдуғани ҚОДИРОВ.

МАҲАЛЛА БИЛАН МУЛОҚОТ

ЖИЗЗАХ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВНИНГ «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДАГИ ФАРМОНИГА ЖАВОБАН

— Бугун шаҳримиздаги катта маҳаллалардан бирида очиқ мулоқот ўтказаяпмиз, — деб қолди Жиззах шаҳар ҳокими Аҳмаджон Соатов ва бир йўла бизни таклиф қилди. Бу тадбир, айтиш мумкинки, ҳар қандай расмий йиғинлардан фарқли ўтди. Чунки унинг иштирокчилари қадоққўлли халқ вакиллари бўлиб, ўз чиқишларида эл-юртни ўйлантираётган муаммолар ҳақида дангал ва рўй-рост сўз юритдилар. Аввало Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони миллий ва маънавий қадриятларни эъзозлаш борасидаги навбатдаги ғамхўрлик сифатида баҳоланди.

Ҳоким ўз сўзида ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазият ҳақида гапириб берди. Бугунги мулоқотда шаҳарнинг барча жабҳадаги ташкилотлари раҳбарлари, мазкур ҳудуддан сайланган депутатлар маҳалла аҳлининг сўровларига амалий жавоб беришга шай эканликлари таъкидланди. Тезда дилдан суҳбат бошланиб кетди. Одатда маҳалла йиғинларида ёши улуғ отахонлар ва онахонларни кўришга ўрганиб қолганмиз. Бу ерда меҳнат фахрийлари билан ёнма-ён ёшларни ҳам кўплаб учратдикки, бир қарашдаёқ маҳаллада яхши анъаналар таркиб топгани кўзга ташланарди.

— Шаҳримизда бу йил Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллиги нишонланиши ҳаммамизга катта масъулият юклайди, — деди кекса муаллим Аҳмад ота Имомназаров. — Бу тантананинг қандай ўтиши ҳар биримизга боғлиқ. Биз қанчалик аҳил ва бирдам бўлиб жипслашсак, қудратимиз шунча юксалади. Келинглар, Ўзбекистон довруғини оламга ёйган юртдошимиз тўйини чиройли ўтказайлик.

Халқнинг бугунги кундаги ўй ва ташвишлари нималардан иборат эканлигини Соат Бўронов, Камол Ҳамроев, Низом Сувонқулов, Қудрат Мажидов каби кўпни кўрган оқсоқолларнинг сўзларидан англаб олиш қийин эмасди. Аҳолига белгиланган озиқ-овқат маҳсулотларини тақсимлаш, ун заводи маҳсулотини яхшилаш юзасидан аниқ таклифлар ўртага ташланди.

Ўша куни маҳаллага (у Алишер Навоий номи билан аталади) демократия ташриф буюрди дейиш мумкин. Вакилларнинг талабига биноан маҳалла комитети раислигига муқобил сайлов ўтказилди. Бугунги талабларга ҳар жиҳатдан маҳалладошимиз Низом Сувонқулов жавоб беради, деган фикрни кўпчилик маъқуллади.

Иқтисодий қийинчиликлар ўткинчи, мустақилликнинг тетапоя қадамларидан сўнг шахдам одимларга ўтамиз — маҳалла аҳлининг бугунги кайфиятини ана шу сўзлар билан ифодалаш мумкин эди. Энг муҳими, халқнинг ҳозирги осойишта, барқарор ҳаётини таъминлаш. Бу ҳақда сўз кетганда қўшни Тожикистонда рўй бераётган тартибсизликлар ҳақида куюнчаклик билан гапирилди. Майда-чуйда мақсадларни кўзлаб омма орасига қутқу уруғини сепишга уринувчиларнинг ифвосига учмаслик, ундайларга кескин зарба бериш таъкидланди.

Шаҳар раҳбарларининг бу галги мулоқоти қайси жиҳатлар билан эсда қолади? Менимча, унда ҳар ким ўз вазифасини бажариш муҳимдигини англаб етди — мутасаддилар ҳам, маҳаллакўй ҳам. Бундай вазиятда ҳар доим осойишталик ва тартибдан умид қилса бўлади.

Шуҳрат ЖАББОРОВ.

ТАБОБАТДА КАМ УЧРАЙДИГАН ҲОДИСА

ҚИЗЧА ТОМОҒИДАН ЗУЛУК ЧИҚДИ

...Етти ёшли Зайнабхон Риштон районидаги марказий касалхонанинг қулоқ, бурун ва томоқ касалликлари бўлимига оғир аҳволда олиб келинди. Унинг томоқ ва бурнидан қон оқар, нафас олиши қийинлашган, рангида ранг қолмаган эди. Ота-онасининг 3-4 ҳафтадан буён жони ҳалак, поликлиника шифокорларининг уринишлари қизча жонига оро кирмади.

Тегишли асбоб-ускуналар ёрдамида синчиклаб текшириш қизча томоғидаги бодомча безининг орқа томонига зулук ёпишиб олганини кўрсатди. Қонни тинмай сўриб чиқариб ташлаётган шу зулук экан. У олиб ташлангандан кейин қизчанинг аҳволи енгиллаша бошлади.

Қизча ҳаётини сақлаб қолган шифокорлар барча ота-оналарга ёзда болаларнинг дуч келган жойда чўмилиб, дуч келган сувни ичишига йўл қўймасликни, умуман уларга қайнатилмаган сув бермасликни тавсия этмоқдалар.

Р. КАМОЛОВ,
ЎзА мухбири.
Фарғона вилояти.

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИЙСИЗ:

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

● «ШАРОФНОМА». РАШИДОВ САБОҚЛАРИ.

● ЭРКИН ВОҲИДОВ ИЖОДХОНАСИДА

● АКС-САДО: И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ

● ФОТИМА АБДУЛЛАЕВА: ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР

● ҚИЗЛАР БАЗМИДАН ЧИҚҚАН ҚОТИЛЛИК. ФЕЛЬЕТОН.

«ГОЛОС ЎЗБЕКИСТАНА»

● КИМНИНГ ЧУМИЧИ «МОЙ», КИМНИКИ «ЛОЙ»... ФЕЛЬЕТОН

● АКС-САДО: И. А. КАРИМОВНИНГ «ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ» РИСОЛАСИНИ ЎҚИБ

● И. Ҳ. ЖУРАБЕКОВ — Ш. Р. РАШИДОВ 75 ЙИЛЛИГИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ҲУКУМАТ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ:

«ШАРОФ РАШИДОВ ЖАМҒАРМАСИ КЕЛАЖАККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ»

(«Ўзбекистон овози»дан таржималар).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТИНИНГ ЖАРЧИНОМАСИ

ГАЗЕТХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Узоқ-яқиндаги қариндошлар, дўстлар ва биродарлар, таниш-билишларингизни байрамлар, юбилей, тўй ва таваллуд кунлари муносабати билан газетада қутлов эълон қилишни истайсизми?

Меҳнат илғорлари, бир жойда энг кўп йил бенуқсон ишлаганлар, давлат мукофотларига сазовор бўлганлар, ёшларнинг мураббийлари, уруш ва меҳнат фахрийларини корхона, хўжалик ва ташкилотлар номидан газетада суратлари билан табриклаб кўнглини шод қилишни истайсизми?

МАРҲАМАТ, ХИЗМАТИНГИЗГА ҲОЗИРМИЗ.

Тошкент шаҳри ва унинг яқин-атрофидан сиз истаган тарзда табрик ва эълонлар матнини тузиш, сурат олиш, бошқа ахборотларингизни қабул қилиш учун ҳузурингизга редакция вакили боради. Сиз овора бўлиб юрмайсиз. Бемалол телефон қилинг.

«СОТАМАН», «АЛМАШТИРАМАН», «СОТИБ ОЛАМАН», «ИЖАРАГА БЕРАМАН»

ВА ҲОКАЗО ЭЪЛОНЛАРГА ГАЗЕТАМИЗ САҲИФАЛАРИ ОЧИҚ.

«ЭНГ ҚУЛАЙ, ЭНГ АРЗОН»!

Бугунги даврий нашрлар ичида эълон бериш учун «Ўзбекистон овози» энг арзон ва энг қулай газетадир. Бошқа жойларда эълонингиз чиқиши ҳафта, ўн кунлаб чўзилса, «Ўзбекистон овози»га бугун берилган эълон эртасига газета юзини кўради.

«Ўзбекистон овози»да чиққан эълон ва билдирувлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасида яшовчи камида 30 миллионлик аҳоли ўртасида тарқалади. Харидор ва мижозларингиз бирданига юз, минг марта ортишига шубҳа йўқ!

Марҳамат, ҳузуримизга келинг, хат ёзинг, кўнғироқ қилинг:

Манзилгоҳимиз — Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32-уй 321-346-хоналар.

Телефонлар: 33-41-89, 32-54-14, 33-65-45.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ХИЗМАТИ.

Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли

ТОШКЕНТ ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ТЕХНИКУМИ

1992 — 1993 ўқув йили учун сиртқи бўлимга қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

а). «Гидромелиорация» бўлими — техник-гидротехниклар тайёрлайди.

б). «Гидромелиорация ишларини механизациялаш» бўлими — техник-механиклар тайёрлайди.

Техникумга 8/9 — 11 синфни битирганлар қабул қилинади.

Кирувчилар математика фанидан (оғзаки) битта имтиҳон топширадилар. 8/9 — 11 синфни «4» ва «5» баҳолар билан тамомлаганлар кириш имтиҳонисиз қабул қилинадилар.

Аризалар директор номига 1992 йил 1 октябрдан 30 ноябргача қуйидаги ҳужжатлар билан бирга топширилади:

1. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси (етуклик атестати ёки 8 синфни битиргани ҳақидаги гувоҳнома).

2. Соғлиғи ҳақидаги справка (086 — У формаси). 3—4 дона расм (3х4 ҳажмда).

4. Меҳнат стажига эга бўлганлар меҳнат ёки колхоз дафтарчасининг нусхасини топширадилар.

5. Паспорт, ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Техникум манзилгоҳи: Тошкент — 7, М. Горький кўчаси, 41-уй. Тошкент метросининг «М. Горький бекати. ёки 6, 13, 22 трамвайларнинг «Морская» бекати.

ТАШКИЛОТЛАР, ҚУШМА КОРХОНАЛАР, БАНКЛАР, БИРЖАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Сиз қўшма ишлаб чиқариш учун ҳамкорларни излаяпсизми?

Сиз ўз маҳсулотингизнинг самарали рекламасидан манфаатдормисиз?

Сиз алоқа ўрнатишни хоҳлайсизми?

Россиядаги энг йирик «Консумэкспо-93» — халқ истеъмол моллари 5-Халқаро ярмаркаси — худди шу мақсадда сизга айнан кераклиси.

Ярмарка 1993 йилнинг 18—24 январь кунлари Красная Пресня кўргазмаси комплексида ўтказилади.

Ташкилотчи — «Экспоцентр» акционерлик жамияти билан Россия Федерациясидаги Савдо ва материал ресурслари вазирлиги Сизларни ярмаркада иштирок этишга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Қатнашишга буюртмалар қабул қилинмоқда.

Манзилгоҳимиз: 107113, Москва, Сокольнический вал, 1а, «Экспоцентр» акционерлик жамияти, «Межвиставка» фирмаси.

Телефонлар: (095) 264-61-33, 269-26-56, 264-90-33

Телекс 411185 EXPO

Телетайп (02) 112864

Телефакс (095) 288-95-37

«САРБОН» ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Тошкент шаҳридаги 24-ўрта ҳунар-техника билим юрти томонидан Т. Д. Мирзатоев номига берилган А серияли № 495060-рақамли йўқолган ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳридаги 24-ўрта ҳунар-техника билим юрти томонидан Р. Йўлдошев номига берилган Б серияли № 199838-рақамли йўқолган ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

● Бизнинг манзилгоҳимиз: 700000, ТОШКЕНТ — ГСП ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
● Мурожаат учун телефонлар: Қабулхона — 32-55-15.
Ахборот-тижорат хизмати 32-54-14.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди—23.00.
Г—340 № 188. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.